

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

Узоқ муддатли манфаатларга асосланган ҳамкорлик

СЕУЛ. 20 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 19 сентябрь куни давлат ташрифи билан Сеулга келди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки пойи осойиш топган Миллий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиш билан бошланди.

Давлатимиз раҳбари юрт озодлиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат баҳо келтириб, Миллий ёдгорлик мажмуига гулчамбар қўйди.

Икки мамлакат Президентларининг расмий учрашув маросими Корея Республикаси раҳбарининг қароргоҳи жойлашган "Чонг Ва Дэ" ("Мовий сарой") тарихий мажмуида бўлиб ўтди.

Ислам Каримов ва Ли Мён Бак очкилик ва ҳамкорлиқни ривожлантиришга интилиш руҳида икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли, жумладан, ўзаро сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларига доир масалаларни, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган йилда ўтаётган ушбу учрашув жадал ривожланаётган ва ўзаро ишонч билан йўғрилган Ўзбекистон — Жанубий Корея мулоқотларининг мантикий давоми экани таъкидланди. 2011 йили Тошкентда ўтган олий даражадаги мулоқотнинг амалий натижаларидан бири сифатида икки мамлакат раҳбарлари иштирокида йирик қўшма лойиҳа — Сурғил кони негизда газ-кимё мажмуи қурилишига тамаал тоши қўйилгани Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг ёрқин тасволи бўлди.

Учрашув якунида Ислам Каримов ва Ли Мён Бак икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолатига муносиб баҳо берилган, ҳар томонлама муносабатларнинг истиқболдаги ўстувор йўналишлари белгиланган. Қўшма баёнотни қабул қилдилар.


Давлат раҳбарлари иштирокида Фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома, Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, кредит-молия ва бошқа соҳаларга оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз қароргоҳида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари раҳбарлари — "Поско" корпорацияси президенти Чунг Жунг Янгни, "Ханжин групп" ва "Кореан эйр" компаниялари раиси Чо Янг Хони қабул қилди. Учрашувларда узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазирлиги Мёнг Хюнг Кю билан суҳбат чоғида ахборот-коммуникациялари соҳасида, алоқа тизимида ҳамкорлиқни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎзА



Х. МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Лойиҳа ишончни оқлади

Мамлакатимиз автосаноати жадал ривожланиб бораётганини мазкур соҳага йўналтирилган ишлаб чиқариш субъектларининг сони ортиб, шу орқали кўплаб иш ўринлари яратилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Наманган вилояти Чуст шаҳрида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг пластмасса бутловчи қисмларини тайёрлашга ихти-

сослаштирилган "Avtosanoatplast" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичини амалга ошириш учун Жану-

бий Кореянинг «Uzautosan trading co. ltd» компанияси билан тузилган шартномага биноан тегишли сармоя жалб этилиб, илғор технологик ускуналар келтириб ўрнатилди. Корхонада "Spark" автомобилнинг уч турдаги пластмасса бутловчи қисмини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Янги корхонада жорий йилнинг якунигача 174 минг дон-

дан зиёд маҳсулот тайёрлаш режалаштирилган. Қўшимча технологик линиялар ўрнатилиши билан "Lasetti" автомобил учун ҳам пластмасса бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришга киришилади. Ҳозир "Avtosanoatplast" масъулияти чекланган жамиятида 40 йигит-қиз меҳнат қилаётир.

Суратда: иш юритувчи Райхона Пулатова.

Дунё миқёсидаги эътироф

Муносабат

Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида 12-14 сентябрь кунлари бўлиб ўтган "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция нуфузига кўра дунё миқёсидаги анжуманлардан бирига айланди, деб айта оламиз. Конференцияда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки вақиллари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Канада каби дунёнинг қирқ беш мамлакатидан етакчи экспертлар ҳамда бизнесменлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижлик дипломатлар иштирок этгани ҳам шундан шохидлик бериб турибди.



Тўлқин АБДУСАТТОРОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Маълумки, конференция юртимизда барқарор иқтисодий шакллантириш ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим бўлини сифатида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлиқни юксалтириш борасидаги илғор тажрибани ўрганиш, халқаро ҳамжамиятни мамлакатимизда ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар билан кенг таништиришга бағишланди.

Давоми 3-бетда ➤

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 20 йил

Ҳар бир жамият миллий тараққиётга эришиш, халқ ҳаёти фаровонлигини таъминлаш, турмуш тарзини такомиллаштириш мақсадида яқин ва олис келажакка мўлжалланган муҳим вазифаларни ўз олдига қўяди. Бу вазифалар жамият ҳаётининг асосий қонуни ҳисобланмиш Конституцияда мужассам бўлади. Бош Қонунда, шунингдек, жамиятда, одамлар ҳаётида ўстувор бўлган миллий, умуминсоний, маънавий-ахлоқий қадриятлар, халқнинг хоҳиш-иродаси, орзу-нияти ҳамда ҳуқуқ ва эркинликлари акс этади.

Миллий тараққиёт машъали

Бундан йигирма йил муқаддам муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий истиқлол мафқурасининг бош ғоясини, янги мустақил давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий қиёфасини, озод ва обод Ватан, эркин ва демократик жамият барпо этиш мақсадини дунё ҳамжамиятига ошкор этди. Мустақилликнинг дастлабки қадамлари ўта мураккаб, баъзан ҳатто таҳликали кечаётган, ички ва ташқи ҳуружлар тиним билмаётган бир

пайтда инсонпарварлик, ижтимоий адолат принципларига асосланган бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши кўзланган эзгу мақсадни аниқ-равшан ифодалаб берди. Айни чоғда, янги Конституция миллий давлатчиликка қайтиш, унинг ижтимоий-сиёсий структурасини, янги бошқаруви яратиш, демократик таомиллар асосига қуриладиган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди.

Давоми 4-бетда ➤

Муҳокамада янги қонун лойиҳалари

никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик янада кучайтирилмоқда



Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда биринчи ўқишда муҳокамага киритилаётган бир қатор янги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Қон тартибидagi «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Ойша Ахунова таништирди.

Давоми 2-бетда ➤

«ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун обуна бошланди!
Вақтида обуна бўлишни унутманг, ана шунда газетани излаб овора бўлиб юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга ёки уйингизга кириб келади!
«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!
Нашр кўрсаткичи 100.

«Кичкина», деманг бизни...

ёки кичик бизнеснинг катта одимлари



7-бет

...тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам тадбиркор ва ишбилармон инсонлар ҳар қандай давлатнинг таянчи ва суянчи, ҳар қандай жамиятнинг устуни бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу ўринда XX асрнинг 90-йилларида оёққа тура бошлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари ўзининг бардошлилиги билан дунёда йирик монополиялар ҳукмронлиги тўғрисидаги қарашларни чиппакка чиқараётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Инновация

Тома-тома кўл бўлур томчилатиб суғориш истиқболи

5 ➤



Партия ҳаёти

«Ёш адолатчилар»

фаолиятини бугунги кун талаби даражасига кўтариш
олдимиздаги устувор вазифалардандир


Сиёсий ўқув

Партия фаолиятини янада такомиллаштириш, раҳбар кадрларнинг сиёсий, ҳуқуқий-маърифий ҳамда иқтисодий билимларини ошириш, партия мафкураси ва ғоясини тарғиб этишнинг замонавий усул ва ёндашувларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти Кенгашининг раислари ва фаоллари учун «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти Кенгаши фаолиятини такомиллаштириш» мавзусида уч кунлик сиёсий ўқиш ташкил этилди.

Партия Марказий аппаратида бўлиб ўтган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш муастакли институтини ҳамда партия Марказий аппарати ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия Кенгашлари қошидаги «Ёш адолатчилар» қаноти раислари иштирок этишди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Исмоил Саифназаров тадбирни кириш сўзи билан очар экан, мустақиллигимиздан кейинги босиб ўтган ҳар бир қадамимиз мамлакатимиз ҳаётида катта из қолдирганлигини алоҳида таъкидлади.

— Бугун Ўзбекистон эришган ютуқларни дунё эътироф этмоқда, — деди И.Саифназаров. — Буни биргина Тошкентда 12-14 сентябрь кунлари «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари фикрларидан ҳам аниқлаш бўлади. Дарҳақиқат, дунёнинг кўплаб давлатларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ва тикланиш жараёни суст кечаётган бир пайтда Ўзбекистон сўнгги етти йилда иқтисодий ўсиш суръатлари йилига ўртача 8-8,5 фоизни ташкил қилган камсонли мамлакатлардан бири экани барчамизни қувонтиради, албатта. Эришилган бу қабиютуқларга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Энди бу ютуқларимизни ҳар жиҳатдан мус-



таҳкамлаш, жамиятимизнинг барча бўғинларини янада юксалтириш, кишиларимизнинг ижтимоий турмуш тарзини кафолатлайдиган, қонун устуворлигини таъминлайдиган давлатга айлантиришдек улкан вазифаларни бажариш сиёсий партиялардан янада фаоллик талаб этади. Айниқса, бу жараёнда партияимизнинг энг фаол, жонқуяр ва фидокор қисми бўлиш «Ёш адолатчилар» қаноти фаолиятини бугунги кун талаби даражасига кўтариш олдимидаги устувор вазифалардандир. Чунки улар партияимизнинг заҳираси ва таянчи ҳисобланади.

«Ёш адолатчилар» қаноти-нинг асосий вазифаси «Адолат» СДП дастурий ғояларидан келиб чиқиб, ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, Ватанга муҳаббат, азалий қадриятларимизга садоқат туйғуларини сингдириш, сиёсий ва

ҳуқуқий онгини оширишга қаратилгандир. Шу сабабли ташкил этилган сиёсий ўқиш «Ёш адолатчилар» учун ўзига хос сиёсий тажриба дарсини ўтати.

Сиёсий ўқувнинг биринчи ва иккинчи кунларида «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг бугунги кундаги асосий мақсад ва вазифалари», «Партиянинг ёш кадрларни тарбиялаш ва лавозимларга тайинлаш бўйича стратегиясининг ривожлантирилиши», «Ёш адолатчилар» қаноти Иккинчи Республика хисобот-сайлов конференцияси қарорларининг бажарилиши тўғрисида», «Хужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро назорати», «Ёш кадрларни тайёрлаш жараёнида интерфаол машғулотлар ўтказишнинг шакл ва усуллари тўғрисида» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Бошқарув санъати мавзуси

айниқса, тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ёш фаолларнинг лидерлик қобилиятларини аниқлашга қаратилган интерактив машғулотларда ўқув иштирокчилари секцияларга бўлинган ҳолда иш олиб боришди. Улар «Ёш адолатчилар» қанотининг 2015 йилгача бўлган ҳаракат дастурини тайёрлашди.

Тадбир доирасида маънавий-маърифий соатлар ҳам ташкил этилди. Унда иштирокчиларнинг Ўзбек миллий академик драма театрига ҳамда Ўзбекистон миллий кутубхонаси ва Маърифат марказига экскурсияси ташкил қилинди.

Маъруза сиёсий ўқувнинг фидоилари билан газетамизнинг навбатдаги сониди батафсил танишишингиз мумкин.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» муҳбири

Куйи бўғин — сиёсий партия кўзгуси

Бошланғич ташкилотларда

Сиёсий майдонда партиянинг етакчи ўрин эгаллашида унинг жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки партия мақсад ва вазифаларини муваффақиятли амалга оширишда айнан куйи бўғинларига таянади.

Бугунги кунда Навоий вилоятида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 8 та туман, 2 та шаҳар партия ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларга 88 та БГПлар бирлашган. Улар орасида Учқудук туман тиббиёт бирлашмаси қошида ташкил этилган куйи бўғин партиянинг мақсадларини рўйбга чиқариш, унинг ғояларини кенг омма орасида тарғиб қилиш йўлида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Учқудук туман партия кенгашининг маъруза куйи бўғини 63 нафар фаол аъзоларга эга, — дейди «Адолат» СДП Учқудук тумани партия кенгаши раиси Лазиз Гадов. — Аъзоларнинг аксарияти тиббиёт ходимларидан ташкил топганлиги боис аҳоли соғлигини ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида улар томонидан ана шундай мақсадга қара-

тилган ўнлаб тадбирлар ташкил қилинди.

Халқ ичига чуқур кира олган ташкилот фаоллари ташаббуси билан саҳоватпеша ҳомийлар кўмағида тумандаги 15 нафар мўйсафид отахон-онахонларга республикаимиздаги қатор профилаторий-санаторийларида саломатликларини тиклаш учун бепул йўлланмалар ажратилди.

Ташкилотнинг туманда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдаги хайрли ишлари ҳам эътирофга лойиқ. Аҳоли орасида турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилиб, ҳар бир фуқаро ўз вақтида шифокор кўригидан ўтиши, айниқса, фертил ёшдаги аёлларнинг мунтазам тиббий кўрикдан ўтиши шарт эканлиги тушунирилмоқда. Бу эса ҳудуд аҳолисининг тиббий саводхонлиги, маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Аъзоларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил қилганлиги боис «Адолат» СДП томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш борасида илгари сурилаётган ғоялар тарғиботи ҳам самарали бўлмоқда. Худудда ободонлаштириш юзасидан ўтказилган ҳашарлар доимо рисоладигдек. Тадбиркор, ишбилармон аёлларнинг сафини кенгайтириш учун ҳудудий банк бўлинмаларидан имтиёзли кредит олиш йўли-йўриқлари тушунтирилмоқда, уларга яқиндан кўмак берилмоқда. Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини мунтазам ошириб бориш мақсадида мутахассислар жалб этилган ҳолда ҳар ойнинг сўнгги шанбасида интерактив тарзда давра суҳбатлари ташкил этилиши аниқлашга айланган.

— Маъруза куйи бўғинимиз аъзоларининг сиёсий фаоллиги туфайли воҳа аҳли «Адолат» СДП ғоя ва мақсадлари билан анча яқиндан таниш, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти Кенгаши раиси Ҳамид Жумаев. — Шу ўринда таъкидлаш кераки, барча БГПмиз ҳам бирдек фаол эмас. Улар фаолиятда учраётган баъзи нуқсонлар вилоятда партия ишлари орқага тор-



тмоқда. Ана шундай камчиликларни бартараф этиш мақсадида барча ҳудудий партия ташкилотларида куйи бўғинлар ҳисоби қайтадан олинмоқда. Шу билан бирга, сиёсий ўқувлар орқали уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тўғри, Учқудук туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги ушбу БГП томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами вилоятда анча салмоқли ҳисобланади. Лекин партия дастурий ғоя ва мақсад-

ларини ёйиш борасида бажарилаётган лозим бўлган ишлар ҳам талайгина. Фаолларнинг таъкидлашича, жамоатчилик қабулхонаси ишини янада жонлантириш, партиянинг ижтимоий шериклари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш олдидан турган долзарб вазифалардан саналади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Навоий вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси оилавий корхоналар фойдаланиши мумкин бўлган моддалар, материаллар ва ускуналарнинг рўйхатини тасдиқлади. Қарорга биноан ушбу рўйхатга 72 та заҳарли модда, 50 та радиоактив модда ва материал ҳамда 19 та хавф даражаси юқори ускуна кирди. Хужжатда қайд этилишича, рўйхат 2012 йил 1 ноябрдан кучга кириди.

Оилавий бизнес ҳукумат ҳимоясида

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туман ҳокимликларига рўйхатни оилавий корхоналарга етказиш топширилган. Бундан кўзланган мақсад фуқаролар, шунингдек, оилавий корхоналар эгалари ва ходимларининг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишдир.

«Санатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Соғлиқни

сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» ДАКга манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда оилавий корхоналар фаолиятини таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда, зарурат туғилганида Вазирлар Маҳкамасига рўйхатдаги моддалар, материаллар ва ускуналарни кенгайтириш ва олиб ташлаш бўйича тақлифларни киритиш топширилди.

Элга нафим теккани — бошим кўкка етгани

«Альфа-Омега» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, кимё фанлари номзоди Баҳриддин Бешимовнинг ҳаёт шиори бу

Имконият

Бухоро шаҳридан чиқиб Жондор тумани ҳудудига кираверишда, катта йўл ёқасида мўъжазгина, ёнотрофлари мевали ва манзорали дарахтлар, гуллар билан ўралган бир бино бор. Тадбиркор Баҳриддин ака бунёд этган бинода «Альфа-Омега» масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсатади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган косметик вазелин, шампун, радикалитни доволочви ва қоматни тик ушлаб турувчи белбоғлар, тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган ўта хавфли юқумли касалликлардан ҳимоя қилувчи махсус кийимлар жамланмаси каби ўндан ортқ маҳсулотларни мамлакатимизнинг кўплаб соғлиқни сақлаш муассасаларида учратиш мумкин.

Корхона ҳудудига қадам қўйишнинг билан бу ердаги озодалликни, саранжом-саришталикни кўриб кўнглингиз ёришади.

Сўриларда ўзини кўз-кўз қилаётган узумлару дарахтлар

кор бўлиш учун имонияти, давлатимиз раҳбарини эса етарли шарт-шароит яратиб берди, — дейди фахр билан ҳаҳрамонимиз.

Бундай гамхўрликка меҳнат билан жавоб қайтаришга қўлдан келганча ҳаракат қила-япман. Агар тадбиркор сифатидаги саъй-ҳаракатим билан юртимга, халқимга оз бўлса-да нафим тегаётган бўлса ўзимни бахтли инсон ҳисоблайман.

Ҳар йили корхона маҳсулотларига катта миқдорда буюртмалар тушади. Буюртмачиларни топиш ва маҳсулотимизни реализация қилишда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг ҳам кўмаги катта бўлаётган.

Масалан, йил давомида бу ерда 350 минг дона «Dipol» шампуни ва белбоғ, 150 минг дона косметик вазелин, 10 минг дона махсус тиббиёт кийимлари жамланмаси ҳамда халатлар ишлаб

Муҳокамада янги қонун лойиҳалари

Давом. Боши 1-бетда

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратори томонидан киритилган ва «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастуридаги устувор вазифалар ижросига қаратилган маъруза қонун лойиҳаси ёш аҳолининг баркамол ривожланишини таъминлаш, болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, эрта никоҳлар салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда tutади. Жумладан, Оила кодексининг 15-моддаси иккинчи қисми янги тахрирда баён қилинмоқда. Унга кўра, никоҳ ёшнинг камайитиришга рухсат берилмайдиган ҳолатларнинг кенг маънода шарҳланишининг олдини олиш мақсадида, уларнинг аниқ рўйхати белгиланмоқда.

Шунингдек, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлигини янада кучайтириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 477-модда билан, Жиноят кодекси эса 1251-модда билан тўлдирилмоқда.

— Оналик ва болалик муҳофазаси юксак даражага кўтарилган мамлакатимизда оила ва никоҳ масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — деди фракция аъзоси Зухра Ботирова. — Боиси, жамиятда оила қуриш ва никоҳ ёши масалалари бевосита ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек улғувор мақсадларимизга боғлиқдир. Шу ўринда бугун Оила кодексига белгиланган никоҳ ёшига амал қилинмаслиги, қизларнинг эрта турмушга чиқиши каби ҳолатлар ҳамон учраётгани кенг жамоатчилик орасида бу борадаги тарғибот ва тушунтириш ишларимизни янада кучайтиришни талаб этмоқда. Оила кодексимизда никоҳ ёши йигитлар учун 18 ёш, қизлар учун 17 ёш этиб белгиланганлиги фуқароларимизга фарзандларини айни шу ёшда уйлантириш ёки турмушга узатиш шарт дегани эмас, албатта. Айниқса, қизларни эрта турмушга чиқаришнинг олдини олиш, уларнинг таълим олишлари, касб-хунар эгаллашлари ҳамда келгусида жамиятда ўз ўринларини топишлари имконият яратиш ота-оналар олдидаги долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар болаларнинг, айниқса, қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, таълимнинг мажбурийлиги ҳақидаги талабларни амалда таъбиқ этиш, жамиятда аёлларнинг ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш имконини беради. Шу боис ушбу қонун лойиҳаси

партияимиз дастурий мақсадларига тўла мос келади ва уни қўллаб-қувватлашимизга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан қизгин муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси асосида тақлиф этилаётган маъруза ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарасидан ўтиш тартиби хавфсизлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Ушбу қонун лойиҳаси Республикаимиз ҳудудидида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хорижий давлатлар билан ўзаро фойдала ҳамкорлик ва ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, шунингдек, чегаравий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, давлат чегарасида шахс, жамият ва давлатнинг бошқа ҳаётий муҳим манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Фракция аъзоси Қодир Жўраев қонун лойиҳаси юзасидан фикр билдирар экан, унинг миллий хавфсизлигимизга таҳдид солиши мумкин бўлган турли ҳолатларнинг олдини олиш ва чегараларимиз дахлсизлигини кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканлигини таъкидлади ва уни қўллаб-қувватлаш тақлифини билдирди.

Шунингдек, йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 356-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида» қонун лойиҳаси ҳам депутатлар муҳокамасида бўлди.

Маъруза Қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардор маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасига мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациялаш, шунингдек, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларида йўналтирилган маблағларга ягона солиқ тўлови бўйича солиқларнинг солиқ базасини камайитириш мақсадида, 2007 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Солиқ кодексининг 356-моддасига қўшимча киритиш назарда тутилмоқда.

Қонун тартибидидаги масалалар юзасидан фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позициясидан келиб чиқиб ўз тақлиф ва тавсияларини билдиришди.

Илҳос САХАТОВ,
«Адолат» муҳбири

гавжум бўлади, — дейди Баҳриддин ака. — Бу ерда оилавий тадбирларини ўтказётган маҳалладошларимни, уларнинг юзидида хотиржамлик ва шукроналикни кўриб кўнглим равшан тортади. Гўёки, юртимиздаги тинч-тотувлик, эмин-эркинлик, тўқин-соқинлик инсонларнинг чеҳрасида акс этгандек.

Ўзим ҳам ҳар тонг 84 ёшни қарши олган онам Мукаррам Муҳиддинованинг дуосини олиб, ишга отланаман. Турмуш ўртоғим Муҳаббат Давронова, уч ўғлим ва қизим ҳам ҳар бир ишда менга елкадош. Буларнинг барчаси юртимиздаги оқолишталик туфайли, деб биламан.

Биз тиниб-тинчимас тадбиркор Баҳриддин аканинг яратувчанлик ишларига ривож тилаб қоламиз.

Ҳамро АКИЕВ,
журналист

Дунё миқёсидаги эътироф

Давоми. Бошқ 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг конференция очилиши маросимидаги нутқда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг юксак самаралари, жаҳон иқтисодиётида кечаётган жараёнлар чуқур таҳлил қилиб берилди.

Халқаро конференция мазмун-моҳияти бўлиб «Адолат» СДП голяларига ҳамроҳанглиги билан ҳам диққат марказимизда бўлди, албатта. Зеро кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор жамиятда мулкдорларнинг ўрта қатламини шакллантиради. Мазкур қатлам кўпайса, аҳолининг

ижтимоий ҳимояси кучаяди. Ўз навбатида ҳимояга муҳтожлар сони камайдми. Ўрта қатлам жамият барқарорлигидан манфатдорлиги билан ҳам ажралиб туради. «Адолат» СДПнинг сайловолди дастурида бизнинг бу борадаги нуқтаи назаримиз алоҳида қайд этиб ўтилган: «Партия Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор инсон учун» тамойилига риоя қилган ҳолда, келгусида ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади. Аҳолининг ҳаддан ташқари камбағаллар ва бойларга бўлиниб табақаланишига йўл қўймаслик, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини

янада яхшилашга қаратилган аниқ сай-ҳаракатларни амалга ошириш бундан кейин ҳам партиянинг асосий вазифаси бўлиб қолади».

«Адолат» СДП сайловолди дастурида белгилаб олинган мазкур йўналиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширмақда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, бу жараёнда замонавий инновацион технологияларни амалиётга жорий этишга устувор вазифаларимиздан бири сифатида қарамоқдамиз. Мазкур конференция эса бу борадаги вазифаларимизни янада янги босқичга олиб чиқиши билан биз учун катта аҳамиятга эга анжуман бўлиб қолди.



Тадбиркорлик ривожини фаровонликнинг муҳим омили

Муҳаррир минбари

Халқимизда «Минг бор эшитгандан кўра бир бор кўрган афзал», деган мақол бор. Пойтахтимизда Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ўтказилган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларидан келган таниқли экспертлар ва бизнес соҳаси намояндолари кейинги йигирма бир йил ичида Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш борасидаги кенг кўламли ишларни ва бу соҳанинг мамлакат иқтисодиётига ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссасини ўз кўзлари билан кўрдилар.

Анжуманда таъкидлаб ўтилганидек, бизнес соҳасида эркин фаолият юритишнинг асосий мажбурий шартларидан бири, бу — тадбиркорлик билан эркин шуғулланишнинг кучли ҳуқуқий кафолати ҳисобланади. Бу кафолат сўзда эмас, амалда мавжуд бўлиши, давлат, ҳуқуқ-тартибот, назорат органлари уларнинг фаолиятига асоссиз, қонунга ҳилоф равишда аралашмасликларини таъминлаш муҳим. Конференция қатнашчилари бу борада амалга оширилган ишларга доир факт ва рақамларни алоҳида эътибор билан тингладилар. Чунончи, биргина жорий йилнинг ўзига давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини тубдан камайтириш мақсадида рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилинди, молиявий ҳисоботларни топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, мамлакатимиз қисқа муддат ичида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли, айнаи чоғда фаол аъзолига айланди. Биз мустақилликни сақлаб қолиш билан бирга, унинг иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий асосларини мустаҳкамладик, янги баркамол авлод тарбиясини йўлга қўйдик. Тадбиркорлик, ишбилармонлик бутун мамлакатда кенг қулоч ёзди. Жамиятда янги мулкдорлар синфи шаклланди. Одамларга ўз меҳнатлари самараларидан баҳраманд бўлиш имконияти берилди.

Ўтган йиллар давомида ўзини тўла оқлаган, оғир синовлардан ўтган ва дунё миқёсида тан олинган машҳур беш тамойил халқимизнинг тарихий тажрибаси ва интеллектуал салоҳиятига асосланган эди. Бу тамойилларнинг мундариғи ўтиш даврида давлат зиммасига бош ислохотчи деган масъулиятнинг юкланиши, қонун устиворлиги, қучли ижтимоий ҳимоя ва ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби ўта мураккаб вазифалардан иборатлиги ёдидми. Бугун, дунёнинг кўпгина мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқироз туфайли гоёта мураккаб муаммолар билан юзма-юз турганида, йирик корпорациялар, концернлар ишчи ўринларини, ижтимоий ҳимоя пакетларини қисқартиришга мажбур бўлаётганларида иқтисодчи олимлар, молиячи мутахассислар тўқсонинчи йиллар бошида Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий сиёсат борасида гоёта тўғри, мақсадга мувофиқ йўлни танлаганини таққор-таққор эътироф этмоқдалар. Бу масалада муҳим ҳулоса шундан иборатки, Ўзбекистон энг қийин шароитда ҳам ўз кучи ва имкониятига таяниб иш кўрди. «Биз борини асраш ва йўғини яратиш йўлидан борамиз», деган шior, маълум шартлар ҳисобида бошқалардан қарз кўтармас-

лик принципи фаолиятимизнинг бош йўналишини ташкил этди.

Мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча соҳаларида оламшумул ўзгаришлар юз берди. Президентимиз Фармонига биноан деҳқонларга уй-жой қуриш ва томорқа учун ер берилди, хусусий мулкка нисбатан муносабат мутлақо ўзгарди, тадбиркорлик ва ишбилармонликка йўл очилди, бу борадаги қонунчилик ҳуқуқий асосда мустаҳкамланди. Буларнинг ҳар бири мустақиллик голялари онг-шууримизда янада чуқур илдиз отишига, вақтинчалик қийинчиликлар ортда қолиб, халқимиз тўқ-фаровон қунарга етишига бўлган ишонччи мустаҳкамлади.

Бугун бу ишонччи жаҳон ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар ҳам баралла эътироф этмоқдалар. Халқаро конференцияда нутқ сўзлаган Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси вице-президенти Жанамитра Деванининг қуйдаги фикри бунга яққол тасдиқлайди: «Ўзбекистондаги барқарор иқтисодий ривожланиш ва унинг ўтган 21 йил давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда эришган муваффақиятлари таҳсинга сазовордир. Айниқса, глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида мамлакатда юқори даражадаги ўсиш суръатлари таъминланаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жаҳон банки гуруҳи, яъни Банк ва унинг хусусий сектор масалалари бўлими, Халқаро молия корпорацияси, шунингдек, бошқа тегишли институтлар Ўзбекистон билан мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилишдан мамнундир».

Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Джао ҳам бу фикрни тасдиқлади: «Ўзбекистон иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларига эришиб ва таркибий ислохотларни давом эттириб, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини муваффақиятли рағбиге ўтди. Шулар қаторида Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланиши ва мамлакат фаровонлигини муттасил яхшилаш борасида эришган улкан ютуқларини ҳам қайд этиш жоиз».

Бу ютуқлар — узокни кўзлаб, жаҳон миқёсида кечадиган муҳим жараёнларни жиддий кузатиб, тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида қўллаб иш тутишнинг натижаси, албатта. Давлатимиз раҳбари конференция қатнашчилари эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди, яъни бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гаровидир. Ўзбекистонда айнаи шундай муҳит, шарт-шароит юзага келгани мустақил давлатимизнинг порлоқ истиблигини белгилаб беришига асло шубҳа йўқ.

Кейинги пайтларда жаҳон оммавий ахборот воситаларида «Нажот Шарқдан!» деган ибора тез-тез тилга олинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Айниқса 2008 йили бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг бу тушунча янада кенгроқ кўлам ва аҳамият касб этди.

Зеро айнан шарқона жамоавий жипслик, меҳнатқашлик, қолаверса оилавий тадбиркорлик иқтисодий мўъжизалар яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса дунё миқёсидаги инқироз жараёнида айнан шарқ мамлакатлари камроқ зарар кўргани ҳам бу тушунчанинг нақадар ҳаётлигини яна бир қарра исботлади.

Ўтган асрнинг иккинчи ярми дунё иқтисодиёти соҳасида шарқ мўъжизаларига бой бўлди. Дейлик, япон мўъжизаси, корейс мўъжизаси... Буни қарангки, янги асрнинг дастлабки ўн йиллиги ортда қолган бир кезда жаҳон яна бир иқтисодий юксалишнинг шоҳиди бўлиб турибди. Яна Шарқ ва бу сафар она Ўзбекистони-миз!

Албатта, ҳар қандай тараққиётнинг ўз асос ва манбалари бор. Ватанимизнинг фавқуллоҳда тез суръатлар билан ривожланишининг биринчи



Зухра БОТИРОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

асоси мустақиллик бўлса, иккинчи асоси мамлакатни ислохот этиш ва модернизация қилиш, тадрижий ривожланиш йўли ва машҳур беш тамойил асосида барпо этилаётган фуқаролик жамиятини шакллантириш моделидир. Бу ҳақиқатни бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Мазкур конференцияда нутқ сўзлаган Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жао, Жа-

ҳон банки ва халқаро молия корпорацияси вице-президенти Жанамитра Деван мазкур воқеликни алоҳида эътироф этиб ўтдилар. Жумладан, жаноб Деван таъкидлашча: «Ўзбекистондаги барқарор иқтисодий ривожланиш ва унинг ўтган 21 йил давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда эришган муваффақиятлари таҳсинга сазовордир». Ёки жаноб Жаонинг нутқидан олинган ушбу иқтибосга эътибор беринг: «Ўзбекистон иқтисодиётини давом эттириб, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини муваффақиятли рағбиге ўтди. Шулар қаторида Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланиши ва мамлакат фаровонлигини муттасил яхшилаш борасида эришган улкан ютуқларини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз».

Янги аср ўз янгиликлари билан қадрли. Дунёнинг «ўзбек мўъжизаси»ни тан олгани барчамизга гурур бағишлайди. Биз, «Адолат» СДП аъзолари, фаоллари бу мўъжизанинг янада мустаҳкамлашишига ишонамиз ва шу эзгу мақсад йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилaverамиз.



Маҳмуд БОБОЁРОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши раиси

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки қунаридан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга устувор аҳамият берилганлиги мустабид тузум даврида тўпланиб қолган кескин иқтисодий, ҳатто, айтиш мумкинки, сиёсий муаммоларни тезликда ҳал этишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Ахир, бир тасаввур этиб кўринг-а, бундан йигирма йил муқаддам Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди! Вазиятнинг энг оғир томони шунда эдики, етмиш йилдан ортиқроқ давом этган шўро ҳукмронлиги одамлар онг-шуурида хусусий мулкка нисбатан нафрат ҳиссини тарбиялашга уриниб келган. Холбуки, халқимизда азалдан хусусий тадбиркорликка мойиллик, салоҳият бўлиб келган. Ота-боболаримиз қадим-

дан ўз ери, ўз мулки ва касб-корини эъзозлаб, қадрлаб келган, кўп замонлар мобайнида оилавий тадбиркорлик, тадбиркорлар сулоласи аъналарини урф бўлган. Оққан дарё оқмай қолмас экан. Қисқа муддат ичида унутила-ёзган аъналарини Истиқлол туфайли қайтадан тикланди, таъбир жоиз бўлса, қурий бошлаган илдизларга ҳаёт суви етиб борди ва хусусий тадбиркорлик аталмиш дарахт янада бақувват бўлиб ўса бошлади. Энг муҳими, хусусий мулкка нисбатан янгича ёндашув, янгича дунёқараш, янгича тафаккур турмуш тарзимизга айланди.

Бугун мамлакатимизда мавжуд барча ҳўжалик корхоналарининг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига қўйиб келмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳамияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо биргина мисол билан чекланиб, 2008 йили бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларининг олдини олиш ҳамда бартараф этишда мамлакатимизда айнан мазкур соҳа ҳал қилувчи роль ўйнаганини эслаб ўтиш етарли, деб ўйлайман.

Осиё тараққиёт банки маълумотларига кўра, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад сўнгги етти йил давомида уч баробар кўпайган. Кейинги олти йил мобайнида эса ялпи ички

маҳсулот йилига 8,2 фоиздан кам бўлмаган суръатлар билан ўсиб бормоқда. Менимча, бу рақамларга шарҳ бериб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

Буларнинг ҳаммаси нима-нинг шарофати? Мазкур соҳада тўғри йўлни танлаганимиз, тўғри сиёсат олиб борилаётгани самараси. Бу жараёнда «Адолат» СДП ўзига хос ва мос ҳисса қўшаётгани бизни мамнун этади. Зеро, партиямизнинг сайловолди дастурида алоҳида қайд этиб ўтилганидек, «Партия меҳнатқашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес-тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини такомиллаштиришни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди». Бу вазифа эса жамиятимизда тобора долзарблик касб этмоқда. Зеро, фақатгина 2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда юртимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи айнан ушбу соҳада меҳнат қилишмоқда. Демак, соҳага эътиборимиз партия-миз аъзоларининг, хайрихоҳларининг ва электроратнинг сони ва сифати янада кўпайишига олиб келади.

Бундан атиги йигирма бир йил аввал хусусий тадбиркорликнинг бугунги кўламини ҳатто тасаввур қилиб бўлмасди, «орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Ўзбекистондаги мавжуд ҳўжалик субъектларининг ҳар ўнтадан тўққизтасини кичик бизнес корхоналари ташкил этади, ялпи ички маҳсулотнинг яримдан мўлроғи, саноат маҳсулотларининг 22 фоизи, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи шу соҳа ҳиссасига тўғри келади», деган гапга ишониб қийин эди. Бугун бу рақамлар ҳаётимизнинг маъно-мазмунини, турмуш тарзимизни, шу билан бирга, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожини, янада улуғвор вазифалар сари одимларимиз шаштини белгилаб турибди.

Собиқ тузумнинг ғайриинсоний мафқураси тадбиркорлик ҳамда ишбилармонлиқни расман тақиқлаб, истеъдодли, ғайрат-шижоатли одамлар йўлига сунъий ғовлар қўйди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, мамлакат иқтисодиётини бутунлай ислот қилиш, унинг қон томирларини жонлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, бу соҳани бутун чоралар билан ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирмай туриб, мамлакатнинг ички бозорини аҳоли учун зарур товарлар ҳамда маданий-маиший хизматлар билан тўлдириш мумкин эмасди. Иккинчидан, бу соҳанинг ривожини меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва даромадларнинг ўсишига олиб келиши ўз-ўзидан равшан эди.

Орадан кўп ўтмай Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон танлаган мустақиллик йўлининг тўғри-лиги амалиётда ўз исботини топди. Давлатимиз раҳбари халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқда келтириб ўтган баъзи рақамларга мурожаат этайлик.

Сиёсат



Хорижий сармоя — тараққиётга мадад

шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда истиқлол йиллари унга энг қулай муҳит, шарт-шароит ва рағбат омиллари яратилишига катта эътибор берилмоқда

Концепция: устувор вазифалар

Мустақилликнинг ўтган 21 йили жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олган кенг қўлми-ли ислохотлар даври бўлди. Ўзбекистон дунёдаги энг бунёдкор давлатлардан бирига айланган. Шубҳасиз, бу ютуқларда мамлакатимизда яратилган кенг иқтисодий имкониятлар, ривожланган инфратузилма ва инсон ресурслари, чет эл инвестициялари ҳамда уларни рағбатлантирувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар катта аҳамият касб этади. Масалан, бугунги кунда инвестицияларни рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган 50 дан зиёд норматив ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

Бевосита рақамлар, далиллар ва исботлар таҳлили билан сўз юритсак, ўтган 21 йил ичида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 3,5 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробар ўсиши таъминланди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқиш 3 баробар, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари эса 2 баробарга ўсди. Хусусан, 2000 йилда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб 24,1 фоизга етди, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси эса 37 фоиздан 50,5 фоизга ўсиши таъминланди.

Маълумки, Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг «Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш» йўналишида қатор устувор вазифалар белгиланиб, ишлаб чиқариш зарур бўлган қонунлар бўйича концептуал ғоялар асослаб берилди. Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш — авваламбор, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш каби вазифалар белгиланган.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурда ҳам 50 миллиард долларга яқин 500 дан ортиқ инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, 25,7 миллиард доллар миқдорда инвестициялар жалб қилиш орқали саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 28 фоизга етказиш кўзда тутилган. Дастурни рўйбга чиқаришда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хомаш-ёни чуқур, қайта ишлаш орқали экспортнинг барқарор ўсиб боришини таъминлаш, ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада ривожлантириш, саноат корхоналарини юртимизнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши, саноат маҳсулотининг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистонда яратилаётган қулай инвестицион муҳит чет эллик инвесторларни янги илғор тармоқлар ва корхоналарга жалб этиш орқали 5000 дан зиёд янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини берди.

Кўриб турибсизки, буларнинг ҳаммаси юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

жалб этиш самарасидир. Инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар киритишни рағбатлантиришни қучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолат ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторларга солиқ имтиёзлари қўллаш, зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш юзасидан қатор имкониятлар яратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз дастурий мақсадлари ва сайловолди платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини, энг аввало, мамлакатимизнинг иқтисодий соҳаларидаги модернизация жараёнига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари ва сифатини яхшилаш йўлидаги амалий ишларга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, пировардидан, янги-янги иш ўринлари яратишга жалб этиш мақсадига мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бу билан партия, яъни — Ўзбекистон «Адолат» СДП Президентимиз томонидан қўйилган вазифалар ижроси таъминланишига, соҳадаги ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти сайловчиларга тўла етиб боришига ва ўз электорати манфаатини ҳимоя қилишга бўлган иштиёқи, интилиши ҳамда мақсад-муддоси натижасини сиёсий майдонда очик намоён этган бўлади.

Умид ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси



Миллий тараққиёт машъали

Давомий. Боши 1-бетда

Халқаро ҳуқуқ соҳасининг нуфузли вакиллари, эксперт ва мутахассислар Ўзбекистон Конституциясида ифодаланган юксак ғоя ва мақсадларга юқори баҳо берар эканлар, бу эътироф бизнинг жаҳон ҳамжамияти сафлари томон ишончли қадамларимизга шиддат ва қатъият бахш этди, десак му-болага бўлмайди.

Мустақилликнинг дастлабки кезлари ҳамма учун ҳам осон кечмагани сир эмас. Бир вақтнинг ўзига мамлакатда тинч-лик-тотувликни сақлаб қолиш, озиқ-овқат таъминотидаги узилишларнинг олдини олиш, саноат ва қишлоқ ҳўжалигида меҳнат унумдорлигини сақлаб қолиш, бунинг учун эса миллий иқтисод асосларини яратиш ва йўлга қўйиш, таълим ва тарбия соҳасини ислох қилиш каби бири-биридан муҳим вазифалар билан шуғулланишга тўғри келгани, собиқ тузум тарафдорларининг турли фитна ва хуружларини сабр-бардош, ақл-идрок билан енгганимиз, озодлик, эрк, бугунги тинч, эмин-эркин ҳаётимиз мислсиз курашлар, оғир йўқотишлар, умид ва изланишлар, баҳс-мунозаралар, изтиробли ҳолатлар, қувончли натижалар ҳисобига қўлга киртилгани эдимизда.

Мустақиллик Конституциясида жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун бевосита тааллуқли имкониятлар, ҳар биримизнинг миллат, жамият, келажақ авлодлар олдидаги бурч ва масъулиятимиз, чунончи, қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳуқуқлилик, турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан аҳил-иноқ яшаш, диний бағрикенглик, замонавий билимларни қўлдан кўчириш, меҳнат қилиш, дунё мамлакатларининг илғор тажрибаларини ўрганиш каби қадриятлар ўз ифодасини топган. Янада муҳими, янги Конституция янгидан бунёд этилаётган эркин, очик демократик жамиятимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар бирдек улуғланиши, бу қоида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг асосий талабларига тўла мос келиши бутун жаҳонга намойиш этди. Конституцияда жамияти дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илғори сурилди ва шу асосда «Фуқаро-жамият-давлат» ўрта-сидаги муносабатини оқило-на ҳуқуқий ечим топилди.

Бундай ечим, фаровон келажагимизга бўлган қатъий ишонч, халқимизнинг мустаҳкам иродаси истиқлолимизга айрича қўл билан қараётганлар, миллий республикалардаги мустақиллик ҳаракатлари узоққа бормади, собиқ итти-фок қайта тикланиди, дея бонг ураётганларга муносиб зарба бўлди. Халқимиз Конституция-да ифодаланган имкониятлар-

дан фойдаланиб, кейинги йи-гирма бир йил ичида олам-шумул муваффақиятларни қўлга киритди, дунё ҳамжамия-ти сафи келажаги буюк, эъти-қоди мустаҳкам, сўзида собит янги Ўзбекистон давлати ҳисоб-ига бойиди. Мамлакатимиз-да истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг она тиллари, миллий урф-одат ва анъаналари, маданияти ва санъати ҳурмат қилиниши таъ-минланди ва уларни ривожлан-тириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилди. Чунончи, Конституциянинг 18-моддаси-да бу мақсад аниқ-равшан ифода-лаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эр-кинликларга эга бўлиб, жин-си, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши,

ёшларда ижтимоий фаоллик-нинг, миллий тараққиёт ва ри-вожланиш учун масъуллик, она-Ватанга садоқат, истиқлол ғояларига муҳаббат туйғуларининг ошишига, жамият ҳаёти-да эса фикрлар хилма-хилли-гига замин яратди.

Бу ютуқлар, табиийки, жуда катта меҳнат, изланиш, қатъий режа ва пухта ўйланган лойиҳалар ҳисобига қўлга ки-ритилди. Шу боисдан ҳам, бу-гун биз жаҳон давлатлари са-фидаги обрў-эътиборимиз, нуфузимиз, дунё ҳамжамияти-нинг бизга бўлган ишонч-эътибори билан ҳақли равиш-да фахрланамиз, дунё давлат-чилиги тараққиётга қўшаёт-ган ҳиссамиздан гурурланамиз, Ўзбекистон тажрибаси бугун жаҳоннинг кўплаб мам-лакатларида ўрганилаётгани-

қолади. Халқимиз, айниқса, ортимиздан келаётган навки-рон авлод — истиқлол фар-зандлари зиммаларига юксал-ган шу юксак масъулиятни ан-глаб, замонавий билимларни, буюк аждодларимиз қолдир-ган маънавий меросни чуқур эгаллаётганлари, мустақил фикрлаш, муҳим қарорлар қабул қилиш, тўғри ечимлар-ни топиш қобилиятлари тобо-ра ошиб бораётгани ҳар жи-ҳатдан қувонардир. Бу йил мамлакатимиз олий ўқув юрт-ларига тест синовлари асоси-да қабул қилинган ёш талаба-ларнинг қай бири билан суҳ-батлашманг, улар бу ютуқлар-ни давлатимизнинг ёшлар-га бўлган кескис ғамхўрлиги, ишонч-эътибори, Конституци-ямизда белгилаб қўйилган кенг имкониятлар шарофати, деб биладилар. Дарҳақиқат, шундай. Конституция, Прези-дентимизнинг ёшларга оид Фармон ва қарорлари, «Таъ-лим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ёш авлод қалбиди ватанпарварлик туйғуларини янада жўш урдириб юборди.

Бахт қомусимизда жамият ҳаётининг муҳим бўғини ҳисобланмиш оилага ва ўз-ўзини бошқариш маҳалла ин-ститутига, оналик ва болалик-ни давлат муҳофазасига олишга алоҳида эътибор бе-рилган. Яъни, «Оила жамият-нинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазаси-да бўлиш ҳуқуқига эга».

Ёшларимизни ҳар томонла-ма соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъ-минлайдиган маънавият кўр-ғони бўлиши оилани мустаҳкам-лаш бугунги кунда барчанинг, шу жумладан, жамоат ташки-лотлари, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилот-ларининг ҳам асосий вазифасидир.

Бу вазифа ҳаётда тўла ифо-дасини топаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзбекистонда ялпи ички маҳ-сулот йилга ўртача 8-8,5 фо-изга ошмоқда, халқ ҳўжалиги-нинг турли соҳаларида янги ишчи ўринлари яратилаётди. Бунда замонавий касбларни, тадбиркорлик ва ишбилар-монликни пухта эгаллаган, ёшларнинг ҳиссаси катта, а-ббатта. Мамлакатимизда ёш ав-лод тарбиясига жиддий эъти-бор берилётгани, жамияти-мизнинг навқирон аъзолари-да Ватан равнақи, юрт тинч-лиги учун масъуллик ҳисси ошаётгани боис ҳам шундай юксак натижаларга эришмоқ-дамиз. Конституциямиз бу ютуқларимизнинг бош омили, фаровон келажагимизнинг ҳуқуқий гарови десак, хато бўлмайди.

Худоёр МАМАТОВ,
Самарқанд вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи

Афросиёбмева:

Экспорт салоҳияти ортмоқда

Хорижий сармоядорлар билан ўзаро шериклик асосида фаолият юритаётган «Афросиёбмева» қўшма корхонасида экспорт ҳажми йилдан-йилга ортимоқда. Юқори даражада модернизацияланган саноат тармоғи яратилгани жамоага жаҳон бозо-рига мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва кўпроқ даромад олиш имконини бермоқда.

— Фақат шу йилнинг ўзига мева шарбатини янада тиниқ-лаштириб берадиган 22 минг АҚШ доллари қийматидаги ультрафилтрлаш ускунаси келтириб ўрнатилгани иш-мизга катта наф бермоқда, — дейди корхона раҳбари Ало-ддин Тожиев. — Энди биз билан шартнома тузган хари-дорлар сафига европалик бу-юртмачилар ҳам қўшилди.

Дарвоқе, Булунғур тумани-даги мева-сабзавотчиликка иктисослашган 300 та фермер ҳўжалиги билан шартнома им-золаган завод бу йил 20 минг тонна ҳосилни қабул қилиб,

қайта ишлашни мўлжаллаган. Ҳозиргача салкам 10 минг тон-на ҳосил йиғиб олинди. Тайёр-ланган мева шарбатлари эса буюртмачиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Бозор талабини инобатга олган ҳолда саноат қувватидан унумли фой-даланиш туйғали бу ерда 300 нафардан ортиқ киши юқори маош билан таъминланган. Корхона салоҳиятини янада ошириш мақсадида янги ре-жаларга қўл урилмоқда. Хусу-сан, дархатларни томчилатиб суғориш технологиясига асос-ланган 300 гектарлик интенсив боғ яратилгани «Афросиёбме-



ва»нинг катта ютуғи бўлди. Энди бу ерда етиштирила-диган сифатли мева маҳсулотла-ри заводнинг ўзига қайта иш-ланиб, харидорларга еткази-лади. Демак, таннарх арзон-лашади, даромад эса кўпайиб жамоага тегишли ижтимоий

муаммоларни ҳал этишнинг янги имкониятлари юзага ке-лади.

Суратларда:
корхона фаолиятидан лавҳалар.

Зохир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Енгил саноат одимлари

Республикаимиз енгил саноати вакиллари ўз маҳсу-лотларини Бразилия, Бангладеш, Индонезия, Перу, Чили, Колумбия, Франция ва бошқа мамлакатларга экспорт қилишни йўлга қўйишга муваффақ бўлдилар.

Шу масалага бағишлаб ўтказилган матбуот анжумани-да «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бош-қаруви райси ўринбосари Шамсуддин Султоновнинг ай-тишича, жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида «Ўзбек-енгилсаноат» ДАК корхонала-

ри дунёнинг 49 та мамлақати-га 439,5 миллион АҚШ долла-рига тенг маҳсулотлар сотиш-ган. — Ҳозирги пайтда 260 хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган бўлса, улар-нинг 100 таси янги номдаги маҳсулотлардир, — дейди Ш.Султонов.



Тома-тома кўл бўлур

томчилатиб суғориш истиқболи

Инновация

Мамлакатимизда аграр соҳани янада ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишларини жаҳон андозалари даражасига етказиш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш услубларини такомиллаштириш, суғориш сувини тежайдиган технологиялар яратиш ҳамда ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук илмий кадрларни тайёрлаш, ўқув жараёнининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашувини бирга олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидир.

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида «Илмий-амалий ва тадқиқотлар маркази» (ИАТМ) ташкил қилиниб, унда иқтидорли талабалар, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ягона дастур асосида иш олиб боришади.

2012 йил илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган мавзулар бугунги куннинг аграр соҳадаги долзарб муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган бўлиб, томчилатиб суғориш бўйича самарали изланишлар олиб борилмоқда.

— Томчилатиб суғориш — суғоришни юқори даражада механизациялаштириш ва автоматлаштиришда сувни тежаш ва тупроқни муҳофаз қилиш талабларига жавоб берадиган суғориш усуллари билан бири ҳисобланади, — дейди кишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор Фридул Бараев. — Бу усул орқали суғоришда сарфланадиган сув миқдорини сезиларли даражада камайтиришга эришилади,




тупроқда намлик меъёри таъминланади ҳамда тупроқнинг шўрланиши қисқаради, уни ювиш талаб этилмайди. Хатто ўсимликни қуршаб олган бегона ўтларни ўташ ҳам шарт эмас, чунки улар намликдан етарли тўйинмаганлиги туфайли ривожланиш олмайдди. Тупроқда намликнинг ошиб кетмасдан доимий сақланиб туриши яхши аэрация (ҳаво айланиши)ни таъминлайди. Шунингдек, суғориш суви билан бирга озуканинг берилиши тупроқда кулай озук режими таъминланади.

Томчилатиб суғоришнинг асосий афзаллиги тупроқнинг ўсимлик илдизлари жойлашган қатламида макбул намлик даражасини узлуксиз таъминлай олишда. Томчилатиб суғориш тупроқни намлашнинг энг илғор усуллари билан бири ҳисобланади ва ўсимликлар эҳтиёжига қараб бериладиган сув миқдорини сутка бўйича

эмас, балки соат давомидаги меъёрини ушлаб туришга имкон яратади.

Бу усул микро сув ўтказувчи томизгичлар орқали кичкина диаметри кувлар ёрдамида суғориш сувини бевосита тупроқнинг ўсимликлар илдизлари жойлашган қатламга етказиб берилишига асосланган.

Томчилатиб суғориш аънавий усулга нисбатан суғориш сувини 40-50 фоизгача тежайди, экинларга ишлов беришда ишчи кучидан фойдаланишни етарлича камайтириб, кишлоқ ҳўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришга имкон беради. Томчилатиб суғориш тизимида минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш ва уларни тежаш учун улар суғориш суви билан биргаликда бир вақтнинг ўзида берилиши кўзда тутилган. Бундай усул ўғитларни анча миқдорда (50 фоизгача) тежашни таъминлайди ва ўсимликларга ўғитларни аънавий усул, яъни сепиб тарқ-



минг га, Испания — 34 мингга, Исроил-100 мингга, Австралияда 50 мингга, Италияда 32 мингга, Франция 20 мингга, Хитой — 20 мингга, Жанубий Корея — 15 мингга). Масалан, Исроилда кишлоқ ҳўжалик экинларини суғориш 100 фоиз босимли тизимда,

Томчилатиб суғоришнинг асосий афзаллиги тупроқнинг ўсимлик илдизлари жойлашган қатламида макбул намлик даражасини узлуксиз таъминлай олишда. Томчилатиб суғориш тупроқни намлашнинг энг илғор усуллари билан бири ҳисобланади ва ўсимликлар эҳтиёжига қараб бериладиган сув миқдорини сутка бўйича эмас, балки соат давомидаги меъёрини ушлаб туришга имкон яратади.

яъни насос станциялари ҳосил қиладиган босим остида ишлайдиган томчилатиб, ёмғирлатиб ва бошқа сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш мумкин бўлган суғориш усуллари билан фойдаланилади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Исроилда томчилатиб суғориш тизимининг бутунлай янги тури, алоҳида томчилатгичларсиз, буюртмачи хоҳишига биноан, 10, 20, 30 ёки 45 см. оралиқда томчилатгичлар кувлардан ишлаб чиқарилди. Хар бир сув бериладиган нуқтага, экин тури ва унинг сувга бўлган биологик эҳтиёжини ҳисобга олиб, 1-4 томчи томчилатиш мумкин. Ушбу тизимнинг нормал ишлаши учун 5,0-10,0 м. миқдорда босим ҳосил қилиш зарур. Бу турдаги 1 п.м. кувларнинг нархи: 0,4-0,5 АҚШ доллари га тенг.

Ўзбекистонда томчилатиб суғоришнинг самарадорлик даражасини баҳолаш бўйича ўтказилган изланишлар бу усулни республиканинг суғорима деҳқончилигида жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Хар йили танқислиги сезилиб турадиган сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, минерал ўғитларни тежаш, экинларнинг қатор ораларида ишлов беришни камайтириш, суғориш ишлари билан банд бўладиган ишчилар сонини қисқартириш, суғориш маданиятини оширишда томчилатиб суғориш усулининг аҳамияти жуда катта.

Томчилатиб суғориш технологияси Наманган, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий вилоятларида

этилмоқда. Шунингдек, Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида томчилатиб суғориш учун ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият юритмоқда.

Республикамиз бўйича 3710 га (Андижон — 100 га, Бухоро — 300 га, Жиззах — 500 га, Қашқадарё — 500 га, Навоий — 110 га, Наманган — 100 га, Сурхондарё — 100 га, Сирдарё — 100 га, Тошкент — 300 га, Фарғона — 300 га, Хоразм — 500 га, Самарқанд — 300 га) кишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ерларда томчилатиб суғориш тизимини яратиш режалаштирилди.

Ҳозирги кунда томчилатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқариш бўйича Исроил, АҚШ, Франция, Италия, Хитой, Жанубий Корея ва Туркия давлатлари етакчи ўринларни эгаллаб туришибди. Мамлакатимизда эса «САНИПЛАСТ» ва «МАКСУСПОЛИМЕР» каби корхоналар четдан олиб келинган томчилатиб суғориш тизимлари қисмларини жойларда йиғиб, кишлоқ ҳўжалигига тадбиқ қилмоқдалар. Бундан ташқари республикамизда Исроилнинг «Queen Gil - Квин-Гиль» ва Туркиянинг «Sunstream» компаниялари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Хорижий давлатларда, асосан Исроил ва Туркияда қўлланилаётган технологияларнинг деярли барчаси қимматлиги, ишлаб чиқариш, монтаж қилиш, эксплуатация ва демонтаж қилиш ҳамда таъмирлаш учун юқори малакали мутахассислар талаб қилиши туфайли уларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш, деҳқон

ва фермер ҳўжаликларида кенг миқёсда жорий этиш жуда суст кетмоқда.

Шунинг учун сифати юқори, шу билан бирга арзон, ишлаб чиқариш ва бошқа технологик жараёнлар осон кечадиган маҳаллий технологияларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Мана шундай технологиялардан бири — Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан ишлаб чиқилган паст босимли томчилатиб суғориш тизимидир. Ўзбекистон шароитига мос келадиган, баҳоси хорижникига нисбатан 5 ва ундан ҳам кўпроқ бараварга арзонга тушадиган ТИМИда яратилган трубкали томчилатгич тизими 100 фоиз маҳаллий хом-ашё билан таъминланган.

Тавсия қилинадиган томизгичлар сифати ҳам хорижникидан қолишмайди. ТИМИда яратилган инновацион технология нафат пахтачилик, балки боғ, узум, полиз, сабзавот экинлари билан банд далалар ва иситкичлар учун мўлжалланган.

Томчилатиб суғориш манбаи, сузгич ва насос, босимни ростлаб берувчи асбоб, магистрал ва тақсимлагич кувлар, ўғитларни эритиб тайёрлаб берадиган ускуна (гидро-подкормщик), томизгичлар ўрнатилган суғориш кувлари билан ташкил топган. Суғоришга бериладиган сувни тозалаш учун тиндиргичлар, сепараторлар ҳамда қум ва гравийли, сеткали филтлардан фойдаланилади.

Яратилган паст босимли томчилатиб суғориш тизими конструкцияси содда, алоҳида қисмлардан иборат бўлгани учун боғ майдонларига келтириш ва монтаж қилиш қулай бўлиб, хар қандай фермер муотакил ишлата олади.

Институтида олиб борилаётган самарали ишлар натижаси ўлароқ, жорий йилда ўтказилган V Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида Тошкент ирригация ва мелиорация институти профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган ишланмалар билан фаол иштирок этишди.

Айтиш жоизки, юртимиз равнақига хизмат қилувчи бу каби истиқболли лойиҳаларни илгари сураётган, инновацион иштироқ қилаётган олимлар, ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг амалий ишларини кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимизда Миллий инновация тизимини барпо этиш ғоясини илгари сураётган ҳамда бу борадаги ташаббус, қилинаётган ишларни қўллаб-қувватловчи сиёсий куч сифатида майдонга чиқмоқда. Партия ўзининг иштироқлари, инновацион лойиҳалар билан юрт равнақи, илмфан ва иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшувчи салоҳият эгаларини, иқтидорли талабалар фаолиятини ривожлантириш, улардаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш ҳамда илмий ишланмаларнинг самарадорлигини оширишни доим қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Феруз ЖўРАЕВ,
«Адолат» мухбири

Ислохот ва самара

Депутатлик гуруҳларида

Истиқлол йилларида мамлакатимизда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаз қилиш, минтақамизда экологик вазиятни яхшилаш йўлида кенг қўлланма чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда қабул қилинган давлат дастурлари ва миллий ҳаракат режалари халқаро ҳуқуқ нормаларига, БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўла ҳамохандир.

Сессияда киритилаётган хар бир масала

партиянинг мақсад-вазифалари ҳамда дастурий вазифалари ижросини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлардир

Истиқлол йилларида мамлакатимизда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаз қилиш, минтақамизда экологик вазиятни яхшилаш йўлида кенг қўлланма чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда қабул қилинган давлат дастурлари ва миллий ҳаракат режалари халқаро ҳуқуқ нормаларига, БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўла ҳамохандир.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан устувор вазифалар белгилаб берилган. Ана шу кенг қўлланма вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани атроф-муҳитни муҳофаз қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини юксалтириш, барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлаётди.

Бугунги кунда мамлакатимизда экология ва саломатлик йўналишига иxtисослашган икки юздан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Улар томонидан аҳоли, хусусан, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, соф ривожланиш механизмларини жорий этиш, экологик таълимни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнида табиатга ва инсон саломатлигига салбий таъсирларнинг олдини олиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш билан боғлиқ қўллаб-қувватловчи лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги кенг қўлланма вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда табиатдан оқилана фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш билан боғлиқ тадбирларда жамоатчилик назоратини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан сайланган Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари ҳам вилоят Кенгаши ҳузуридаги Аграр, сув ҳўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси таркибиде туриб, маъмур йўналишдаги устувор вазифаларни изчил давом эттиришга, партия дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ қилишда фаоллик кўрсатмоқда. Жумладан, депутатлар аҳолининг экологик маданиятини янада юксалтириш, эко-туризмни ривожлантириш, биохилма-хилликни асраш, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини, инновацион технологияларни амалиётга кенг татбиқ этиш каби қатор йўналишларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Хоразм вилояти мураккаб иқлим шароитида жойлашган ҳудудлардан саналади. Бу ерда қатор санат корхоналари фаолият кўрсатади. Шу боис кейинги йилларда улар эҳтиёжга соҳиб бўлишда ечимларни намоиш қилади.

Фархулла ЯҲҲЕВА

этибор қаратилаётди. Қўрилаётган чора-тадбирлар, замонавий технологияларнинг жорий этилиши натижасида санат корхоналаридан чиқиндилар чиқиш миқдорининг кескин камайишига, атроф-муҳитнинг мусоффолигини таъминлашга эришилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқилган ҳолда табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш масаласига жиддий эътибор қаратиш, муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш, жойларда соҳани рағбатлантириш, ушбу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни бартараф қилиш каби долзарб масалалар депутатлик гуруҳи диққат марказида турибди. Шу нуқтаи назардан туман Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масаласини олиб чиқишни режалаштирмоқдамиз.

Айтиш керакки, депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган хар бир иш, туман Кенгаши сессияларида муҳокамага киритилаётган хар бир масала партиянинг дастурий вазифалари ижросини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

Масалан, ҳудудда тўй-ҳашамлар, маърака-маросимлар, оилавий тантаналарда ортиқча дабдабаозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйилмаслиги масаласи сессия кун тартибига олиб чиқилган эди. Бугун эса у ўз самарасини бермоқда. Маҳаллий ҳокимлик, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорликда ушбу масалани қаттиқ назоратга олишган.

Тўғри, депутатлик гуруҳимиз фаолиятида эътирофга арзигулик ишлар қаторида баъзи камчиликлар ҳам бор. Бу ҳам бўлса, айрим депутатларимизнинг журъатсизлигидир. Ана шундай муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш мақсадида вилоят партия Кенгашида тез-тез семинар-тренинглр, ўқувлар ташкил этилиб турилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мухтасар айтганда, электр-радиотизмин уйлантириб келадиган муоммаларни қучур ўрганиш, уларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида олиб чиқиш, партия дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш депутатлик гуруҳимиз олдида турган масъулиятли вазифалардан ҳисобланади.

Фахриддин ЮСУПОВ,
Халқ депутатлари Қўшқўйир тумани Кенгаши депутати, Аграр, сув ҳўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги

24-28 сентябрь кунлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида муҳим воқеа — «InfoCom Uzbekistan — 2012» Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳафталиги бўлиб ўтади.


Тадбир 24 сентябрда пойтахтдаги Ёшлар ижод саройида бошланади. Сайтларни баҳолаш учун интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларнинг малакали мутахассисларидан иборат ҳайъат ташкил этилди. АКТ ҳафталиги жорий йил 5 августда бошланган «U2» миллий домени интернет-фес-

тивали ғолибларини тақдирлаш маросими билан очилди.

Фестивалнинг танлов дастури 10 та мавзуга оид ва 3 та махсус номинацияни ўз ичига олади. Бу йилги танлов дастурига хар бир мавзу бўйича 10 та номинация иштирокчилари учун WWW.UZ миллий излаш тизимининг махсус мукофотлари киритилган.

Бу йилги фестивал танлов дастурининг аввалгиларидан ўзига хос фарқи шундаки, унда «Оила учун энг яхши сайт» янги махсус номинация жорий этилган.

Ахборот-коммуникация ҳафталиги доирасида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит ҳам бўлиб ўтади. Мазкур форумда хар йили Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардан шериклик муносабатларини йўлга қўйиш, АКТ соҳасидаги ютуқ ва муаммоларни муҳокама этиш, шунингдек, соҳани ривожлантиришга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш-



дан манфаатдор етакчи мутахассислар катнашмоқда. 26-28 сентябрь кунлари бир пайтнинг ўзиде Тошкент, Навоий ва Термизда «ICTExpo-2012» ахборот технологиялари миллий кўргазмаси ўтказилади. Кўргазмада мамлакатимиз IT-бозорининг етакчи компания ва

фирмалари иштирок этади. 150 дан зиёд иштирокчи-компания ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ишланмалар, кенг турдаги ўзига хос хизматлар ҳамда ечимларни намоиш қилади.

Фархулла ЯҲҲЕВА

Жараён

Иншоот мустаҳкам бўлсин

Фаолият

Сурхондарё вилоят Давлат архитектура-қурилиш нazorати инспекцияси қуриладиган объектлар, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишлари бажарилишида меъёрий ҳужжатлар талаблари ҳамда лойиҳа ечимларига мослиги, қурилишда лаборатория хизмати, сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, қурилиш материаллари ва хом ашёларни ишлаб чиқишда стандарт талаблари ва меъёрий техник шартларга мувофиқлиги ўстидан доимий назорат ишларини олиб бормоқда. Хусусан, инспекция жорий йилнинг етти ой мобайнида молиялаштириш манбаларидан ва буюртмачининг мулкчилик шаклларида қатъий назор барча қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиб, 431 та объектга қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатнома берди.

Бундан ташқари, қурилиш объектлари бўйича бажарилган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати, меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан бир қанча текширувлар ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича 448 та муддатли ёзма кўрсатмалар берилди. Тасдиқланган лойиҳа ечимлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги аниқланган, натижада пишиқлик ва мустаҳкамлик тавсифлари парасайган 25 та объектда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш тўғрисида ёзма кўрсатмалар берилди.

Жумладан, вилоят ҳокимлиги қoшидаги «Ягона буюртмачи хизмати» ИК буюртмаси билан соғлиқни сақлаш муассасаларидан 10 та объектда қурилиш ва капитал реконструкция ишлари олиб борилган. Бироқ қурилиш объектла-

рида бош пудратчилар томонидан аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги ҳамда қурилиш-монтаж ишларида лойиҳа ва қурилиш норма қоидалари талабларини бузганлиги учун «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонунга асосан Термиз шаҳридаги вилоят Эндокринология шифохонасини капитал реконструкция 2-босқич қурилишида бош пудратчи «Жануб Тарақиёт Файз» масъулияти чекланган жамиятига 1 887 600 сўм жарима қўлланилди.

Инспекция вилоят ҳудудида қуриладиган ва капитал реконструкция ва капитал таъмирланган объектларда бажарилган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати, меъёрий ҳужжатлар талаблари ҳамда лойиҳа ечимларига мослигини текшириш ва кам-



чиликларни бартараф этиш билан бирга лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини олиб боровчи ташкилотларга амалий ёрдам бериб келмоқда. Жумладан, лойиҳа қидирув ва ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари иштирокида «Якка тартибда уй-жой қурилишини яхшилаш ва ривожлантириш» бўйича Ангор тумани «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Қорабоғ» массивидаги 20 та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиш объектида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Маълумки, қўркам ва иншоотлар барпо этиш учун сифатли қурилиш материаллари зарур. Шу боис, инспекциянинг стандартлаштириш, сертификатлаш ва лаборатория бўлими вилоят қурилиш индустрияси корхоналарида қурилишга оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар шу жумладан, стандарт талабларига риоя этилиши ўстидан назорат, қурилиш маҳсулотларини сертификатлаш, лаборатория хизматларини кўрсатиш ҳамда бино ва иншоотларнинг умумий техник ҳолатини, сейсмик мустаҳкамлигини аниқлаш мақсадида техник текширувдан ўтказиш ишларини олиб бормоқда.

Хусусан, бўлим томонидан жорий йилнинг етти ойи мобайнида 37 та қурилиш корхонасининг маҳсулотларини сертификатлаштириш бўйича ишлар амалга оширилиб, жами 71 та маҳсулотга мувофиқлик сертификати берилди. Сертификатлаштириш жараёнида корхоналарнинг технологик салоҳияти, сифат тизими ўрганиб чиқилди. Тадбиркорлик субъектларида қонунчилик, стандартлаштириш ва сертификатлаш миллий тизимидаги янгиликлар, меъёрий ҳужжатлар бўйича керакли ёрдамлар кўрсатиб келинаётди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, вилоятда қуриладиган бино ва иншоотлар қўркам, мустаҳкам ва замонавий архитектура талабларига жавоб берадиган тарзда барпо этилишида инспекция ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жўра ПЎЛАТОВ,
Сурхондарё вилоят Давлат архитектура-қурилиш нazorати инспекцияси бошлиғи,
Давур ЖОЗИЛОВ,
«Adolat» мухбири

Реклама ўрнида

«Зилол» — дардга даво, танга қувват

Ўзбекистон санаториялари

Юртимизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Фарғона тумани ўзининг тоза ҳавоси, гўзал табиати билан тилга тушган. Айниқса, бу ердаги бир-биридан қолишмайдиган даволаниш масканлари доимо мижозлар билан гавжум. Уларнинг қай бирида бўлманг, мириқиб ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тиклаётган мижозларнинг мамнун қиёфасини кўриб дилингиз яйрайди. «Зилол» санаторияси масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам бу борада талай ишларни амалга ошириб келмоқда. Санаториянинг жонқуяр ходимлари саломатлигини тиклаш илинжида келган дам олувчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатишга эришмоқдалар.



— Мижозларга ҳамиша эшигимиз очик, — дейди санатория бош шифокори Ёқубжон Латипов. — Бу ерда улар ҳам дардларига даво топишди, ҳам ҳордиқ чиқариб, қувват тўплашди.

«Зилол» — бугун эл хизматида. Ҳозирги кунда унда бир вақтнинг ўзида юздан ортиқ мижозлар дам олиб, соғлигини мустаҳкамламоқда. «Мустаҳкам оила йили»нинг ўтган даври мобайнида республика-мизнинг турли вилоятларидан келган 4 минг нафардан зиёд дам олувчининг мириқиб ҳордиқ чиқаргани аҳолининг

санаторияга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Мижозлар соғлигини тиклашга Чимён қурулти минерал суви катта ёрдам берапти. Барча қулай шарт-шароитларни ўзида муҳайё этган мазкур сихатгоҳнинг қўли енгил шифокорлари, саломатлик посбонлари улар хизматида. Санаторияга қарашли 5,7 гектар ерни эгаллаган ёрдамчи хўжалик боғида етиштирилган бир-биридан ширин мевалар уларнинг дастурхонига тортилмоқда. Турфа гуллар яш-



Ғулом ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири

Тадбиркорлар кўпаймоқда

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётгани боис ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эгалламоқда.

Маҳсулотлар ўзининг сифатли ва ҳамёнбонлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлаяпти. Яқиндагина Самарқанд шаҳрида яна бир янги, гилом маҳсулотлари ишлаб чиқишга ихтисослашган «Хидоят Сервис» деб номланган корхона ишга тушди.



Корхонада йилига 360 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бельгиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар ана шундай имкониятни бермоқда. Ускуналарни бошқаришни бу ерда иш бошлаган 35 нафар самарқандлик ёшлар тез кунда ўзлаштиришди. Корхона раҳбари Мўмин Меликов ушбу хайрли ишни бошлашда «Савдогар» банкнинг Самарқанд вилоят филиали бир ярим миллиард сўмлик кредит ажратиб, кўмак берганини эътиборф этди. Таъкидлаш кераки, вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида молиялаштириш маблағлари ҳисобидан 222 миллиард 420 миллион сўмлик 4350 та лойиҳалар молиялаштирилди. Натижада 9127 та иш ўринлари яратилди.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ

Олға юрмаслик — ортга кетиш...

Ўз-ўзини танқид

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Андижон вилояти Кенгаши партиянинг умумий фаолиятида салмоқли ўринлардан бирини эгаллади. Бурч ва масъулиятни тўлиқ англаш, ташаббускорлик, изланувчанлик, ҳамжиҳатлик мазкур ютуқлар гарови бўлди. Энг муҳими, улар аҳоли орасида сиёсий партияга бўлган ишончни уйғота олишди. Бу борада жамоатчилик назорати алоҳида аҳамият касб этди. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, етимлар ҳолидан хабар олиш фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири бўлди. Аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий билимини юксалтириш, аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ёшларни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир юзлаб тадбирлар ташкил қилинди. Хуллас, партия фаоллари «Кимки олға юрмаса, у ортга кетади», нақлига амал қилишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, партиянинг Андижон вилояти Кенгаши ўз аъзоларининг сонига кўра партиянинг республикадаги йирик ҳудудий ташкилотларидан бири ҳисобланади. Бугун беш минг нафардан ортиқ партия аъзоси 136 та бошланғич ташкилот атрофида биригашган. Вилоят Кенгаши аъзоларининг интеллектуал салоҳияти ҳам юқори. Фан доктори ва номзодлари, давлат бошқарувининг турли идораларида иш юритаётган раҳбар кадрлар, шифокор, ўқитувчи, ҳуқуқшунослар, иқтисодчи ёшлар шунлар жумласидандир. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар сони эса 50 нафарни ташкил этади.

Бироқ, гуруч қурмасиз бўлмаганидек, айрим ҳудудий ташкилотлар фаолияти камчиликлардан холи эмас. Андижон вилояти партия Кенгашининг фаоллар йиғилишида партиявий бурчга панжа ортидан қараган ташкилотларнинг камчиликлари рўй-рост айтилди.

— Вилоят партия кенгаши-мизнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари бу борада ҳар қандай рақобатчи партия билан баҳслашишга етарли, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши раиси А.Шодмонов ўз сўзида. — Бугунги кунда Избоскан, Асака ва Шахрихон тумани партия Кенгашлари томонидан партия аъзолари сафини кенгайтириш,

«Ёшлар қаноти» ва «Аёллар қаноти» фаолиятини янада жонлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин рақамлар моҳияти ҳақида гап кетганда-чи? Айрим туман ташкилотларида, куйи бўйинларда дастурий ғоялар рўёби учун курашчанлик, жамиятни ислоҳ этишда, фуқароларда янгилик кўникмаларни пайдо қилишда ташаббускорлик, ғайрат-матонат яққол сезилмаяпти. Баъзи маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари дастурий ғоялардан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга туртки берадиган тақдирларини илгари суришда, уларни сессиялар кун тартибига киритишда сусткашликка йўл қўймоқда. Масалан, Ўлжабод ва Улуғнор туманлари, Хонобод шаҳар партия ташкилотлари фаолиятидаги бугунги ҳолатга қараб ана шундай хулоса чиқариш мумкин.

Вилоятнинг Хўжаобод тумани партия ташкилотига атиги 4 та БПТ фаолият кўрсатаётганлиги ҳам ачинарли. Туман кенгаши раиси А.Йўлдошевнинг айтишича, сиёсий ўқувларнинг камлиги, бошланғич ташкилотлар раҳбарларининг кўнимсизлиги ишнинг орқага кетишига сабаб бўлаётган омиллардандир. Тезкор чоралар қўрилмас экан, партиянинг аҳоли орасидаги нуфузи тушиб кетиши мумкин.

Шунингдек, мазкур партия ташкилотлари қoшидаги «Ёш адолатчилар» ҳамда «Хотин-қизлар» қанотлари фаолияти ҳам танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди. Йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш

юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Таъкидландики, тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишда унинг мазмун-моҳиятига, савиясига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Партия фаолларининг ижтимоий шериклар ҳамда нодавлат ташкилотлари билан алоқаларни янада мустаҳкамлашни ҳам даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шунингдек, ҳудудларда партия нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида жамоатчилик назоратини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш ва бу жараёнда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокини қулайтириш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Албатта, ҳаммамиз ҳаётнинг қувончу-ташвиш, камчилиг-у ютуққа тўла юқини гарданимизга тутиб олға, янги-янги марралар сари илдамлаб кетаётган бир замонда яшаб турибмиз. Буним мақсад йўлидаги ҳар бир кунимиз тарих саҳифаларидан жой олиб бормоқда. Демак, савфимизда ҳар бир кишининг ўз овози, ўз фикри ва қарашини ҳамда энг муҳими, ўз қатъий позицияси бўлиши лозим. Демак, партияимизнинг ҳар бир аъзоси жамиятда ўз ўрнига муносиб, қучли, иродали, қатъий позицияли шахс бўлишга интилса, дастурий мақсад ва вазифаларимизга эришиш ҳам осон кечади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Электрон хизмат

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, уни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига кенгроқ жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бу жараёнда фаол иштирок этиб, соҳа ходимларининг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот технологиялари маҳсулотларини амалиётга изчил татбиқ этиб бормоқда. Айниқса, қўмитанинг расмий www.soliq.uz сайти ахборот айирбошлаш ва тарқатиш тезкорлигини таъминлаш, солиқ хизматлари органлари фаолиятининг ошкоралигини ошириш орқали солиқ маъмуричилигини такомиллаштиришда аҳоли иштирокининг фаоллашувида хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлilдир.

Эътиборлики, Давлат солиқ қўмитаси томонидан қўрсатилаётган бу каби интерактив хизмат турлари солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш, уларнинг вақтини тежаш, соҳа янгиликларини мунтазам равишда етказиш, вужудга келаётган муаммоларга тезкорлик билан ечим топиш ҳамда солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаклини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мазкур сайт орқали қўлпаёл фойдали электрон хизматлар қўрсатиш йўлга қўйилган. Улар орасида энг оммалашгани «Электрон солиқ ҳисоботларини қабул қилиш» интерактив хизматидир.

Интерактив хизматлар

солиқ тўловчилар учун

Қўмитанинг www.soliq.uz расмий сайтида жойлаштирилган ушбу интерактив хизматлардан солиқ тўловчилар ва фуқароларимизнинг кенг ва самарали фойдаланишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган. Ҳозирда молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон қўринишда қабул қилиш ва қайта ишлаш, солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризаларни қабул қилиш ва солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш сингари муҳим соҳалар билан бирга интерактив хизматлар тизимида солиққа оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам тақдим этиб боришмоқда.

Жумладан, Жондор тумани ДСИда солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни электрон тарзда топшириш учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Бу ерда солиқ тўловчилар томонидан электрон ҳужжат айланиши орқали тақдим этилган ҳисоботларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш учун ҳисоботларни қабул қилувчи бўлимда алоҳида электрон манзилга эга бўлган, туман ДСИнинг локал тармоғига уланган электрон ҳужжатларни қабул қилиб олувчи компьютер ўрнатилди. Бугунги кунда ушбу компьютер орқали барча электрон ҳисоботлар узлуқсиз равишда қабул қилинмоқда.

Туман ДСИнинг «Ахборот тизимлари» шўъбаси томонидан олиб борилган тушунтириш ишлари натижаида солиқ тўловчилар электрон ҳисобот топшириш

учун электрон рақамли имзо олиш билан бирга, унинг афзалликлари ҳусусида етарли маълумотларга эга бўлмоқда.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан йўлга қўйилган бундай интерактив хизматлар нафақат солиқ тўловчилар учун, балки биз учун ҳам кўпгина қулайлик ва енгилликлар туғдирмоқда. Шу боис, туманимизда электрон ҳисоботларни тақдим этишнинг афзаллик жиҳатлари ҳусусида тез-тез семинарлар ўтказиш йўлга қўйилган бўлиб, солиқ тўловчиларнинг ўзлари уларда иштирок равишда иштирок этмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz расмий сайти солиқ тўловчиларнинг тўлақонли кўмакчисига айланиб улгурди. Шу билан бирга ушбу сайт улар учун ишончли ва керакли маълумотлар базаси ҳамдир. Келгусида солиқ ҳисоботларини электрон қўринишда тақдим этиш тизимини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалиётдаги тажриба ҳамда солиқ тўловчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида дастурий маҳсулга тегишли ўзгаришлар киритиб боришмоқда.

Азамат РАҲМАТОВ,
Жондор туман ДСИ Юридик шахсларнинг электрон ҳисоботларини қабул қилиш шўъбаси бошлиғи

«Кичкина», деманг бизни... ёки кичик бизнеснинг катта одимлари

Шарҳ

Бизнесдан мақсад фойда олиш, уни муттасил ошириб бориш, бир сўз билан айтганда, бойиб кетишдир. Хўш, унда тadbиркор ким? Немис иктисодчиси В. Зомбарт (XIX аср охири — XX аср бошлари) таъбирича, тadbиркор — бу забт этувчи, таваккалчиликка тайёр, эркин, ғояларга бой, шижоатли ва ўз сўзини бошқаларга ўтказа оладиган, ташкилотчи, кўпчиликнинг бошини қовуштира оладиган шахсдир. Тadbиркорнинг асосий мақсади — янги фикр ва ғояларни излаш, таҳлил қилиш, ўзининг ташаббускорлик, яратувчилик қобилиятларини юзага чиқариш, ўз ишини ривожлантиришда муваффақиятга эришишдир.

Хозирги замон тажрибаси шу нарсдан далолат бераптики, тadbиркорлар кўпроқ кичик бизнес соҳасида фаолият юритишади. Дунёнинг турли хил мамлакатларида кичик бизнеснинг мезонлари турли хилдир. Ўртача олганда эса, ишловчилар сони 20 дан 30 нафаргача бўлса кичик корхона, 100 дан 400 гача бўлса ўрта корхона, 500 нафардан ортиқ бўлса йирик корхона деб юритилади.


2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг навбатдаги тўлкини Европада юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги башоратлар дунё миқёсида яна кичик бизнесни ривожлантиришнинг долзарб масала сифатида кун тартибига кирита бошлади. Маълумки, тарихда ҳам, бугунги кунларимизда ҳам тadbиркор ва ишбилармон инсонлар ҳар қандай давлатнинг таянчи ва суянчи, ҳар қандай жамиятнинг устуни бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу ўринда XX асрнинг 90-йилларида, ёққа тура бошлаган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик тузилмалари ўзининг бардошлилиги билан дунёда йирик монополиялар ҳукмронлиги тўғрисидаги қарашларни чиппака чиқараётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тан олиш керак: 90-йилларнинг ўрталарида ҳатто Америкада ҳам камида 20 кишидан иборат иш ўрни яратган кичик тadbиркорлик субъектлари жами янги иш ўринларининг 60 фоизини ташкил этган эди. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 миллион фуқаро иш билан таъминланган бўлса, йирик корпорациялар, аксинча, 3 миллионга иш ўрнини қисқартиришга мажбур бўлди. 2008 йилда бошланган ва ҳали-ҳануз давом этаётган глобал инқироз шароитида ҳам айнан йирик корхоналар 30 миллион ишчи-хизматчини бўшатгани дунё миқёсида кичик ва хусусий бизнесга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгараётганини англатади.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Трансмилий бизнес куч-қудратига қарамай, нега кичик бизнес субъектларининг мавқеи тобора ортиб борапти? Экспертларнинг фикрича, асосини оилавий бизнес ташкил этаётган «яратувчанлик таъмоили» кичик корхоналар бардавончилигини таъминлаб бераётган асосий омилдир. Ҳар қандай тadbиркор кучли рақобат муҳитида яшаб қолиш учун, албатта, ўз маҳсулотининг сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратади. Истеъмолчи эҳтиёжини ўрганиш учун одамлар билан доимий мулоқотда бўлиш ҳам бундай корхона яшовчанлигининг яна бир сиридир. Кичик бизнесни ривожлантиришда Япония ўзига хос мактаб яратганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашда ишлаб

чиқариш жараёнларини тезлаштириш, янги технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш борасида «Сифат назорати» тўғракларида таъкидланган мутахассислар ўрни бекиёс бўлганини мутахассислар ҳамон эътироф этмоқдалар. Дарҳақиқат, Япония ва Жанубий Корея каби табиий бойликлари нисбатан чекланган давлатлардаги шароит кўпроқ ақлга таянишни талаб этади.

Хаётнинг турли соҳа ва тизимларини ривожлантириб, жамиятни ҳаракатга келтирадиган тadbиркорлик энг оғир муаммо — ишсизликни ҳал этишда муҳим роль ўйнашини таъкидлашга ҳоҳат бўлмаса керак. Мутахассисларнинг фикрича, кичик бизнес янги технологияларни ҳаётга тез ва соз татбиқ этишда ҳам алоҳида ажралиб турибди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кичик бизнес иктисодийёти бошқаришнинг самарали шакли ҳамда «янгиликларга нисбатан яшовчан эканини» алоҳида исботлаб бўлди. Бозор шароити ўзгаришларига мослашувчанлик, шахсий ташаббуслар учун улкан имкониятлар мавжудлиги соҳа муваффақиятига кенг йўл очаётди. Бугун нафақат Фарб, балки собиқ социалистик давлатларда ҳам кичик бизнес ўзига хос тadbиркорлик рамзи сифатида эътироф этилмоқда ва ҳар қандай жамият тараққиёти ҳам бевосита кичик ва ўрта тоифага қирувчи тadbиркор кадрлар, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 миллион фуқаро иш билан таъминланган бўлса, йирик корпорациялар, аксинча, 3 миллионга иш ўрнини қисқартиришга мажбур бўлди. 2008 йилда бошланган ва ҳали-ҳануз давом этаётган глобал инқироз шароитида ҳам айнан йирик корхоналар 30 миллион ишчи-хизматчини бўшатгани дунё миқёсида кичик ва хусусий бизнесга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгараётганини англатади.

Шубҳасиз, ҳар қандай жамиятда у ёки бу қатлам манфаатларини, хоҳиш-иродаси ва орзу-истакларини рўйбегачи қилишга интиладиган ҳаракатлар, уюшмалар ва сиёсий партиялар бўлади. Бундай бирлашмалар давлатнинг қонунчилик органларига у ёки бу даражада таъсир ўтказишга уринадилар. Чунки тadbиркорликка оид қонунлар бозор ислохотларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу нукта назардан даярли ҳар бир демократик давлатда улар манфаатини ҳимоялайдиган ташкилот ёки гуруҳлар фаолият кўрсатади. Мисол учун АҚШда Савдо палатаси тadbиркорлар олдиданги биринчи даражали вазифалар ҳусусида ҳар йили мамлакат президентида ҳисобот тайёрлайди. Бу маълумотлар бўлғуси сиёсий йўналишларни шакллантириш ва тегишли қарорлар қабул қилишда қўл



келади. Айрим мамлакатларда эса ислохотларнинг жадаллашишига кўмаклашиш мақсадида «Мия марказлари» деб юритилувчи илмий-тадқиқот муассасалари изланишлар олиб боради. Улар одатда хусусий секторга оид қабул қилинаётган қонунларнинг камчилик ва афзалликларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиб, овоз беришдан олдин бу ҳақда депутатларни огоҳ этадилар. Германиядаги Саноатчилар бирлашмаси тadbиркорларнинг қонунчилик соҳасидаги муаммоларини ечиш ва уларнинг қонун чиқарувчилар би-

рини шакллантиради ва жамиятда барқарорликка хизмат қилади, деган фикрдан ҳамон қайтганлари йўқ. Қўшма Штатларнинг учинчи президенти Томас Жефферсон бу ҳақда сўз юритганида: «Фермерлик ва кичик бизнес гуллаган юрт қарамликка юз тутмайди, бунинг акси ҳукмрон мамлакат ахли мутелек ва хиёнатга мойил бўлади, яратувчанликка интилиш сўнади», — деб таъкидлаган эди. Бу фикр нақадар тўғрилигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Дарҳақиқат, собиқ совет республикалари ҳамда коммуни-

намоён этмоқда. АҚШ ҳукумати фикрича, тadbиркорларнинг банклардан сармоа олишига кўмаклашиш, бизнес таълимини ривожлантириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва интеллектуал мулкни ҳимоялаш кичик ва хусусий бизнес тараққиётига факат наф келтиради.

Мамлакатдаги йирик бизнесменлардан бири Гектор Баррето шундай дейди:

— Болалик чоғимда отам бир неча гилам дўконининг хўжайини бўлган эди. Бир кун мактабда қандай қилиб пул топиш мумкинлиги тўғрисида ишшо ёзишни, топиширишди, Шунда мен отамга дўкон эгаси ким эканлиги ва нима билан шуғулланиши ҳақида савол бердим. У: «Тadbиркор — бу пул ишлаш учун пулини таваккал қиладиган одам» дея жавоб қайтарди. Ушанда тadbиркорлар таваккал ортидан қувадиган одамлар эканини тушуниб етдим. Демак, ҳукумат кичик бизнесни ривожлантирмоқчи экан, ишбилармоннинг таваккалини енгиллаштирадиган сиёсат олиб бориши лозим. Шундагина одамларда янги иш ўринлари барпо этиш ва корхоналар очишга рағбат туғилади.

Америкада банкротлик тўғрисида қонунлар шундай ишлаб чиқилганки, бизнесда муваффақиятсизликка учраган тadbиркор янги бизнесни бошлашга уриниб қўриши мумкин. Масалан, Америкадаги энг йирик тadbиркорлар, жумладан, кетчуп магнати Жон Генри Хайнц, «Форд мотор компани» эгаси Генри Форд, Америка цирки асосчиси Финиас Барнум ўз фаолиятларининг дастлабки йилларида муваффақиятсизликка юз тутганлар. Бу одамлар охир-оқибатда сайёрамизнинг энг бой одамларига айланишди. Чунки уларга ўзларини янги ишда синаб қўриш имконияти берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик бутун дунё иктисодийёти модернизация қилиш, ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг гарови бўлиб қолиши шакл-шубҳасиздир. Юз бераётган молиявий-иктисодий инқирозлардан сўнг ҳам хусусий сектор тезда ўзини ўнглаб, иқтисодийётда ўз мавқеини сақлаб қолаётгани бунинг амалдаги исботидир.

Қ.ҚҲУДОШЕВ

Токио Европа ва АҚШдан кейин босма дастгоҳни ишга туширди

Япония банки давлат облигацияларини сотиб олиш учун қўшимча 10 триллион йен йўллайди. Бу билан харид дастури активи 80 триллион йен (триллион доллардан ортиқроқ) миқдорга етказилади.

France-Presse агентлиги хабарига кўра, кунчиқар юрти банкнинг бундай қарори бозорнинг бошқа иштирокчилари учун қутилмаган ҳодиса бўлди. Мутахассислар эса бундай шошилинч қарор Америка ва Европа давлатлари томонидан ташланган қадамга жавоб бўлди, дейишмоқда.

Зеро, 6 сентябрда Европа Марказий банки қарз бозоридида интервенция ўтказишини, облигацияларни сотиб олиш чекловсиз бўлишини маълум қилганди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас АҚШ Федерал резерв тизими ойига 40 миллиард доллар миқдоридида ипотека облигацияларини сотиб олишини маълум қилди. Бу баёнот ўзига хос «сифат юмшагининг» янги раунди сифатида қабул қилинди. Кейинроқ Нью-Йорк Федерал резерв банки раҳбари Уильям Дадли АҚШ иктисодий тараққиёти суръати аввалги даражага етгунга қадар бу жараён давом этишини маълум қилган.

Йен пул бирлиги долларга нисбатан арзонлашиб, миллий пул бирлигининг қиймати пасайиши Япония учун ижобий омил, деб баҳоланмоқда. Чунки, бу йил юқори қийматли йен экспортчиларга жиддий зарар келтирди.



Чехия алкоголь рекламасини тақиқлади

Чехияда метанол моддасидан заҳарланишлар туфайли 20 градусдан юқори бўлган алкоголь ичимликлари рекламаси қатъий тақиқланди.



Сентябрь ойининг дастлабки уч ҳафтаси ичида Чехия, шунингдек, қўшни давлатлар Словакия ва Польшада метил спиритдан заҳарланиш натижасида 20 киши вафот этди, шу аломат билан яна бир неча ўнлаб киши касалхонага ётқизилди.

Тергов жараёнида жабрланувчиларнинг барчаси контрафакт ароқ ва ром маҳсулотларини истеъмол қилишгани аниқланган. Чехия полицияси қалбаки спирт тайёрлаш ва тарқатишда гумон қилинувчи 10 кишини қўлга олди. Шунингдек, 5 минг литр контрафакт ичимлик истеъмолдан чиқарилди.

Метил спирти билан заҳарланиш ҳолати аниқланган Польша ва Словакияда чех алкоголь маҳсулотларини олиб кириш ҳамда сотиш вақтинчалик тақиқланди.

Дунёнинг энг яхши ишсизлари аниқланмоқда

United colours of Benetton тижорат маркаси билан машҳур Benetton Group дунёнинг «энг яхши ишсизлар»ни топиш учун реклама кампаниясини уюштирмоқда.

Кампания доирасида махсус сайт яратилган бўлиб, унда энг яхши ишсиз номзоди танлаб олинади.

Кампания давомида танлов уюштирилиб, унда ғолиб бўлган 100 нафар иштирокчининг ҳар бирига 5000 евро миқдоридида соврин ажратилган. Танлов шартига кўра, номзодлар сайтда (тижорий ёки нотижорий бўлган) ўз лойиҳаларини тақдим қилишлари лозим. Лойиҳа мавзуси турли соҳаларда яшаш тарзини яхшилашга қаратилган. Бунда иштирокчилар 18 ёшдан кичик ва 30 ёшдан катта бўлмаслиги, шу билан бирга ҳеч қаерда ишламасликлари талаб этилади.

Кампания ғояси мавжуд иктисодий моделлар аҳолининг ёш қатламига етарлича иш ўринлари яратолмаётганлигини кўрсатишдан иборат, деб қайд этмоқда Рейтер ахборот агентлиги. Бунинг исботи сифатида Benettonда ер юзидида 15 ёшдан 29 ёшгача 100 млн.га яқин ишсиз мавжудлиги ҳақида статистик маълумоти келтирилмоқда.



Миллиардерлар оиласи

Яқинда АҚШ миллиардерлари рейтингини Bloombergга келиб чиқши хитойлик Чао оиласининг уч вакили киритилди. Жеймс ва Элберт Чао, шунингдек, Дороти Чао Женкинс Westlake Chemicals кимёвий компаниясидаги эришган молиявий муваффақиятлари туфайли рўйхатдан жой олишди.

Жорий йилда мазкур компания акциялари баҳоси 90 фоизга ошди. Натижада компания мулкнинг 70 фоизига эгаллик қилувчи уч шерикдан ҳар бири 1,4 миллиард доллардан даромадга эга бўлди. Westlake муваффақияти биринчи ўринда компаниянинг полиэтилен ва чарм ўрнини босувчи маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши билан изоҳланмоқда.

Хитойдаги пластик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда етакчи Suzhou Huasu Plastics компаниясига эгаллик қилувчи Westlake компаниясида Жеймс Чао директорлар кенгаши раиси, Элберт — президент ва бош директор, уларнинг синглиси Дороти эса кенгаш аъзоси ҳисобланади. Айни дамдаги миллиардерлар отаси Хитойнинг Сунжоу шаҳрида фабрикага асос солганидан бери Чао оиласи ўз маблағларини жамғариб келмоқда. Хитойда коммунистларнинг фуқаролар урушидаги ғалабасидан сўнг Чао оиласи Тайванга, 80-йилларда эса АҚШга кўчди. 2004 йилда Westlake Нью-Йорк биржасига чиқишга муваффақ бўлди. 1986 йилда асос солинган компания АҚШ ва чет элда 21 корхонага эга.



Интернет материаллари асосида Ш.МАХМУДОВА тайёрлади

Германия ҳукумати огоҳлантиради

Германия информацион техник хавфсизликни таъминлаш федерал бошқармаси (BSI) фуқароларни Интернет Explorer браузеридан фойдаланишдан огоҳлантиради, деб хабар қилади ARD.

Бошқарма хизмати Интернет Explorerнинг фибригларлар учун ҳар қандай паролни бузиб, бемалол кириш имкониятини берувчи заиф томонини аниқлади. Бошқарма маълумотларига кўра, мазкур бўлиш бир неча бор ҳақерлик ҳужумларига учраган.

BSI Интернет Explorer яратувчиси Майкрософт компанияси билан браузердаги хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни бар-

тарф қилиш учун бовланганини маълум қилди. Майкрософт, ўз ўрнида, фойдаланувчиларга хавфсизликни таъминловчи қўшимча дастур (Enhanced Mitigation Experience Toolkit)ни юклаб олишни маслаҳат берди. Компаниянинг айтишича, бу мавжуд муаммо бартараф қилинмагунча ёки браузернинг янги нусхаси пайдо бўлмагунча вақтинчалик чора ҳисобланади.



Сўнгги саҳифа

«Телефономания» — глобал эпидемия

Сўров ва натижа

Инсоният тарихида шундай қуроллардан, воситалардан фойдаланилганки, улар турмушни енгиллаштиришга хизмат қилган. Масалан, тош болта ибтидоий жамоа тузуми даврида одамлар кунига яраган бўлса, ундан кейин пичоқ, ханжар, найза, қалам, ручка, милтиқ ва шунга ўхшаш воситалар инсониятнинг энг яқин ҳамроҳига айланган. Аммо ҳеч бир алоқа воситалари — мобиль телефонлар сингори инсоният ҳаётига чуқур кириб боролгани йўқ. Биз мобиль телефонларни бир дақиқа бўлса-да, ўзимиздан узоқ бўлишни хоҳламаймиз. Мобиль телефонлар билан ўхлаймиз, у билан юғурмиш, ишга қатнаймиз — у ёнимизда бўлмаса, ўзимизни ноқулай ҳис қила бошлаймиз.

Дунё бўйлаб одамларнинг мобиль телефонларга ураниши шу даражада тез кечаяптики, айрим минтақаларда одамлар ичимлик сувига ёки бошқа элементар санитар-гигиена инфратузилмаларига эга эмас, аммо телефонда мулоқот қилмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, АҚШда ҳар ўн нафар воёга етган шахснинг 9 нафари "сотка" тутати. Ҳўш, мобиль телефонларнинг турмушимизни, ҳаётимизни янада чуқур қамраб олиши инсон онгига, психологиясига қан-

дай таъсир кўрсатмоқда? Чунки, Time журнали Qualcomm компанияси билан ҳамкорликда бу борадаги вазиятни таҳлил қилиб чиқди. Унда АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Жанубий Африка, Индонезия ҳамда Бразилиядан 5000 нафардан ортиқ киши қатнашди.

Сўров натижалари, ҳақиқатан ҳам, мобиль алоқа ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганини кўрсатади. Чунки сўровда иштирок этган ҳар тўрт нафар кишининг биттаси мобиль телефонини ҳар



30 дақиқада текшириб турар экан. Ҳар 5 кишининг бир нафари эса 10 дақиқада телефонини текшириш учун чалғир экан. Респондентларнинг учдан бир қисми жуда қисқа муддатга телефонсиз қолишса, жажли чиқиб, асабийлаша бошлашини таъкидлашган. Сўровда қатнашганларнинг ярми тушликка телефонни олиб боришини таъкидлашган. 25-29 ёш орасидаги ўсмирларнинг учдан икки қисми ўз телефонлари билан бирга ўхлайди.

Сўровда иштирок этган 5 америкаликнинг бири қимтир СМС орқали учрашувга таклиф қилган. Бу бразилияликлардан 3 марта, хитойликлардан 4 марта кўндир. Америкалик респондентларнинг

қарийб тўртдан бир қисми ўз "маъшқаси"га шахвоний расмларни жўнатишар экан. Бу энг катта кўрсаткичдир.

Мобиль телефонлар инсон ҳаётининг, вақтининг катта қисmini олиб қўяётган бўлса-да, одамлар бу қулайлик орқали ўз танишлари билан янада яқинроқ мулоқот қилаётганига ташаккур билдиради.

Шундай бўлса-да, мобиль телефонлар ва ундан фойдаланиш истиқболда катта салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бунини кўплаб илмий-тадқиқот марказлари ўтказган тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлайди. Норвегия ва Дания олимлари ўтказган таҳлилларга қараганда, телефондан ҳаддан ташқари кўп фойдаланган одамларда уйқусизлик, бош оғриғи, асаб бузилиши ҳолатлари кўп учрайди. Шу билан бирга, иммунитетнинг кучсизланишига олиб келади. Айниқса, болаларнинг телефондан меъеридан ортиқ фойдаланиши унинг мия ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Айни пайтда шифокорлар яқин истиқболда телефон орқали пайдо бўладиган мутлақо янги хасталиклар юзага келиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Улардан бири, шубҳасиз, "телефономания"дир.

Феруза ТОИРОВА

Бехосият совға

Афсус...

Ичкиликка ружу қўйиш ҳеч қачон яхши натижа бермаслиги, бу дардга чалинганлар ҳаёти ғамташвиш дарёсига фарқ бўлишига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Шунинг учун ҳам оқ ороқнинг қора қилмиши ҳақида кўп гапирармиз, ёзамиз. Мақсадимиз, ён-атрофимиздагилардан яна кимдир ноҳосдан ичкилик атолимиш иллатнинг тузоғига тушиб қолмасин, деймиз. Бироқ ҳамма ҳам ўқиган-ўқанларидан тўғри хулоса чиқаравермас экан. Энг ёмони, ичкиликнинг хунук оқибати нафақат ичкиликка муқосидан кетганлар, балки бегуноҳ инсонларнинг тақдирига ҳам хавф солиб, гўлдай оилалар тинчини бўзаяпти.

...Ҳаммаси Муқаддаснинг ишга тушишдан бошланди (исм ва фамилиялар ўзгартирилган). Акбаржон нуфузли ташкилотда яхшигина ишлаб, бинойидек рўзгор тебратиб юрганди. Дангиллама ҳовли-жой ва ширин-шакар ўғилчалари уларнинг ҳаётини гулшанга айлантириб турарди, гўё. Бироқ уйда ўтириш аёлни зериктириб қўйди чоғи, «ўламан саттор, ишга чиқаман», деб туриб олди. Акбаржон бунга зарурат йўқлиги, уйда Муроджон ёлғизлигини ҳар қанча тушунтирмасин, Муқаддас университетда илм олганлигини, болага қараб туриш учун қишлоқдан синглиси Муқаддам келишини айтиб туриб олгач, ноилоҳ рози бўлди.

Бир тарафдан, ишлайдиган эр-хотин учун беминнат ёрдамчининг бўлгани ҳам яхши экан. Қишлоқ меҳнатини қўриб ўсган эмасми, шаҳар ҳовлисидан ишлари Муқаддам учун гўё эрмакдек туюлар, юмшларни ўйнаб-қулиб бажарар эди. Ҳамма ёқ тоза-озода, иссиқ овқат, яна сахарлаб эринмасдан тайёрланган иссиққина пиширилган, дармонбоп салатлар уй соҳибларига мунтазир турар, улар мириқиб но-нушта қилишгач, Муқаддамга раҳмат айта-айта ишга отланишарди.

Аваллари эшикдан ҳатламаган Муқаддам Муроджон мактабга қатнай бошлагач, уни олиб бориш ва дарсдан сўнг олиб келиш баҳонасида кўчага чиқади-да, бўлди. Қодирни ҳам ана шундай кунларнинг бирида мактаб ёнидаги кафеда учратди-ю, гўё ҳаётига мазмун киргандай бўлди.

Кейинроқ йигит уйланишни таклиф қилгач, бундан хабар

топган Акбаржон яқинроқ танишиши мақсадида куёв бўлишни меҳмонга чакиртирди. Бўлажак божасини синаш мақсадида қўйиб берилган спиртли ичимликларни бирма-бир бўшатиб, гандираклаб қолганини кўргач, Акбаржон у билан чиройли ҳаёт қуриб бўлмаслигини қайнсинглисига тушунтирди. Аммо аввалги турмуши бузилиб, ҳаётнинг аччиғини бир марта тотиб кўрганлигига қарамай, Муқаддам ўз билганидан қолмади, Қодир билан пинҳона учрашиб юрди. Энг ёмони, учрашувларда йигитнинг раъйига қарши боролмай аввалига бир-икки хўплаган қиз, бора-бора ичидан ўрганиб олди. Айниқса, қариндошларининг тўйи муносабати билан почта ва опанинг қишлоққа кетиши улар учун айти мурда бўлди. Опанининг уйини қоровуллашни баҳона қилиб Тошкентда қолган Муқаддам Қодир билан дам олиш кунини ҳаёт биланди, кинога кирди, кейин ресторанда овқатланишди ва яна ҳар доимидек ичишди. Сархуш бўлган Муқаддам анчадан буюн сумкачасида олиб юрган миттигина пичоқни «Омад рамзи бўлсин», дея йигитга совға қилди. Хурсандчилик баҳона яна уч шилани юмалатган икковлон бир-бирини суяб кўчага чиқишди. Муқаддамни уйига олиб бормоқчи бўлган Қодирнинг бошқа мақсади ҳам бор эди — уйда ҳеч ким йўқлиги учун у билан қолишни истарди. Ховлига яқинлашишганда эса чироқларнинг ёниқлигидан икковлари ҳам ҳайрон бўлишди. «Едимдан чиқиб, ўчирмай кетгандирман-да», деб ўзига таскин берди Муқаддам. Аслида, поччасининг ишхонасидан зудлик билан ча-



қиртиришгани учун улар қишлоқдан эрта қайтишган эди.

— Ярим тунда қаерларда юрибсан? — эшикни очаркан, сўроққа тутди опа.

Бу вақтда Муқаддам жавоб берадиган даражада эмас эди. Синглисини маст ҳолда кўриб уялган опа эрига билдирмаслик учун уни бир қўлида суяб, йигитни ташқарига итарди-да, эшик зулфини беркитишга шошилди. Бироқ ичкиликнинг эври билан ўзини шер тутатган йигитнинг қаршилигига қучи етмади.

— Бор, дадангни чакир! — зарб овозидан чўчиб, кўзларини ишқалаганча эшикка чиқиб келган Муроджонга ўшқирди Қодир. — Уйда пусиб ётмасдан, бу ёққа чиқсин!

Йўл азоби чарчатган Акбаржон йигитни таниб, айвонга чиқди: — Яхшиликча бу ердан кет, сен билан эртага гаплашаман, акс ҳолда хафа бўласан.

— Э, бож, мен бугун шу ерда тунайман, — дея гандираклаганча зинапоядан кўтарилди Қодир.

— Яхшиликча кет бу ердан! — унинг йўлини тўсди Акбаржон.

— Нима, мени хайдаяпсанми, ҳеч қаёққа кетмайман, қоч йўлимдан!

Муомалага ҳожат йўқлигини

сезган Акбаржон Қодирни судлаб, кўчага тортқилади. Шу пайт Қодир қўлини чўнтагига тикди-да, боягина «севгилис» совға қилган пичоқни қинидан суғуриб, бўлажак божасининг кўксига санчди:

— Мана сенга, мана, мана! Қутилмаганда кетма-кет берилган зарбадан Акбаржон юзтубан йиқилди.

— Дадажон. Дадамни ўлдириб қўяди ҳозир! — Ичкарига кириб кетган опа-сингиллар Муроджоннинг аянчли қичқиригидан сўнг югуриб чиқиди. Бу орада бақир-чақир овозидан безовта бўлиб чиққан қўшнилардан бири «тез тиббий ёрдамга», яна бири милицияга қўнғироқ қилди. Афсуски, Акбаржоннинг ҳаётини асраб қолишолмади...

Бегуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлган Қодир Жонибеков Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «ж», «л» бандларида кўрсатилган жиноятни содир этганлиқда айбланиб, 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ҳожнақбар АҲМЕДОВ, жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани суди судьяси, **Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**, журналист

Ҳаммаси кичикдан бошланади!



Кичик бизнес учун кредитлар

Кредит олиб гоёларингизни рўёбга чиқаринг!

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

Эрта турмушга чиқманг, қизлар!

Бугуннинг гапи

Денов тумани прокуратураси томонидан жорий

йилнинг ўтган ойлари мобайнида 9-синфини би-

тирган ёшларни, шу жумладан, қиз болаларни касб-

хунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ

қамраб олиш, уларни қобилиятларига кўра ўзлари

танлаган касб-хунар таълими муассасаларида

ўқитиш, бандлигини таъминлаш бўйича муҳим иш-

лар амалга оширилди. Касб-хунар коллежлари ва

академик лицейларда ўқийётган айрим ёш қизлар

ўртасида учраб турган эрта турмушга чиқишдек но-

хуш ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан амалий

чора-тадбирлар кўрилди.

Туман ҳокимияти ва прокуратураси ташаббуси билан йил

бошида ишлаб чиқилган дастур бу борада, айниқса, яхши сама-

ра берди. Дастурга асосан, деновлик ёшларнинг пухта билим

олиб, касб-хунар эгаллашлари, ўзлари танлаган соҳалар бўйича

ишга жойлаштирилиш учун етарли шарт-шароит яратилди. Бу

билан Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қону-

ни, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва "Мустақкам оила

йили" давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини

таъминлашда янги имкониятлар юзага келди. Шу масалалар

устидан назоратни таъминлаш мақсадида туман штаби тuzилди.

Айни кунларда туманда 98 та умумий ўрта таълим мактаби, 14

та касб-хунар коллежи ва битта академик лицей фаолият кўрсат-

япти. Бу билим масканларида ўқийётган қизлар билан учрашув-

лар ўтказилиб, уларга эрта турмушга чиқишнинг салбий оқибат-

лари тушунтирилмоқда. Тарғибот-ташвиқот ишларида туманда-

ги барча мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этишяпти.

Табиийки, ўз вақтида кўрилатган чора-тадбирлар ёшларнинг ҳаётдан тўғри хулосалар чиқаришларига ёрдам бермоқда.

Аммо гуруҳ курмасиз бўлмайди. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган мониторинг натижалари бунини яққол кўрсатиб турибди. Жумладан, бирон-бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан кун кечириб орадланган "Ўзбекистон" СИУ ҳудудидаги "Навбахор" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Ч.Шукров махсус рухсатномаси ва диний муассасаларга ҳеч қандай алоқаси йўқлигига қарамай шаръий никоҳ ўқишдан тийилмади. Тиббий қўриқ ва туман ФХД бўлимида қонуний никоҳдан ўлмаган айрим ёшларни никоҳлаб қўйди. Уларнинг эртанги ҳаёти қандай бўлиши уни қизиқтирмади. "Илонсой" жомеъасе-жиди имом-хатиби А.Олтибоев ҳам шундай фаолиятни ўзига касб қилиб олди. Имом-хатиб ҳеч нарсадан тап тортмай 16 ёшга тўлмаган "Компьютер технологиялари" касб-хунар коллежининг 1-босқич ўқувчиси Ф.Асадова билан 2-босқич ўқувчиси З.Ҳидоятова ҳали воёга етмасидан турмушга чиқиб кетишди.

Туман прокуратураси томонидан воёга етмаган қизларини эрта турмушга бериб, уларнинг мажбурий таълим олишларини таъминламай келган 21 нафар ота-онага нисбатан МЖТКнинг 47-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, тўплаган ҳужжатлар қўриб чиқиш учун туман ҳокимлиги ҳузуридаги ВЕИБКАга юборилди. Шунингдек, 214 ҳолатда ФХД бўлимларида қайд этилмаган никоҳни диний расм-русмлар асосида ўзбошимчилик билан амалга оширилганга нисбатан қонунда кўрсатилган таъсир чоралари кўрилди.

Ахир ёшлар, айниқса, ёш қизлар тақдирини ўйинчоқ эмас. Уларнинг ҳали баалоғатга етмай эрта турмушга чиқишларига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Муродхон АҲМЕДОВ,

Денов тумани прокуратури,

адлия маслаҳатчиси.

ЭЪЛОН

"Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар (Самарқанд, Наманган, Бухоро вилоятлардан ташқари) бўйича ўз мухбирларини танлов асосида ишга таклиф этади. Танловда иштирок этишни истаган журналистлар ўзлари ҳамда ижодий ишлари ҳақидаги маълумотларини adolat_gazeta@mail.ru электрон почтасига юборишлари мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
288-42-20, 288-46-64.

Adolat
ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ
ГАЗЕТА



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Илҳол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Мухаммад АЛИ, Мукаррамон АЗИМОВА, Рашид ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Ашшер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан

чиқа бошлаган

Тахририят манзили: 100043,

Тошкент шаҳри,

Чилонзор тумани

«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-ўй.

adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Тўрон кўчаси, 41-ўй. Бюртма Ғ — 900. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз биними А-2. Адади — 6449.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.15

1 2 3 4 5

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54;

Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;

Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс);

Котибият — 288-42-06 (148).

Набатчи муҳаррир — Қадрамон ҚўЛДОШЕВ.

Набатчи — Илҳол САХАТОВ.

«Adolat»дан қўйиб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.

НАШР

КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5217

4 7 7 2 0 1 3 5 2 1 0 0 9